

ISSN 218-8088

XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

Muassis:

"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

PUBLIC EDUCATION BULLETIN

"PUBLIC EDUCATION BULLETIN" JOURNAL

2017

2-son

(mart-aprel)

Jurnal 2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi
137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT

	Yoshlar o'rtasida kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish, ularning sifatli kitob mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish to'g'risida 2017-yil 27-fevraldagi qo'shma qaror	4
	Xalq ta'limi muassasalarida O'zbekiston Respublikasining Birinchi Prezidenti Islom Abdug'aniyevich Karimov xotirasiga bag'ishlangan tadbirlarni tashkil etish to'g'risidagi 2017-yil 26-yanvar 30-sonli buyrug'i	15
	Maktab direktorlarining o'quv-tarbiya ishlari bo'yicha o'rinbosarlari va fan metodistlarining uzluksiz kasbiy mahoratlarini oshirishga yo'naltirilgan o'quvlarni tashkil etish to'g'risidagi 2017-yil 1-fevral 36-sonli buyrug'i	17
	"O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar Strategiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni ijrosini ta'minlash haqidagi 2017-yil 9-fevral 40-sonli buyrug'i	24
	Maktabgacha va umumiy o'rta ta'lim muassasalarining ta'lim-tarbiya jarayoniga shaxmat saboqlari va to'garaklarini keng tashkil etish chora-tadbirlari to'g'risidagi 2017-yil 15-fevral 43-sonli buyrug'i	47
	O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 13-fevraldagi 126-F-sonli farmoyishi ijrosi to'g'risidagi 2017-yil 15-fevral 46-sonli buyrug'i	53
	Xalq ta'limi tizimida rasmiy ogohlantirishni chiqarish vakolatiga ega mansabdor shaxslar ro'yxatini va rasmiy ogohlantirish shaklini to'ldirish namunasini tasdiqlash to'g'risidagi 2017-yil 16-fevral 47-sonli buyrug'i	61
	Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida "Ota-onalar bilan muloqot xonasi"ni tashkil etish to'g'risidagi 2017-yil 20-fevral 56-sonli buyrug'i	70
	"Islom Karimov asarlari bilimdoni" Respublika ko'rik-tanlovini o'tkazish to'g'risidagi 2017-yil 1-mart 66-sonli buyrug'i	74
	Umumiy o'rta ta'lim muassasalarining hovlisini, bino yo'laklari hamda sinf xonalarini banner va stendlar bilan jihozlashning namunaviy talablarini tasdiqlash to'g'risidagi 2017-yil 1-mart 67-sonli buyrug'i	83
	Huquqbuzarliklar profilaktikasini amalga oshirish tartibi to'g'risidagi yo'riqnomani tasdiqlash haqidagi 2017-yil 3-mart 74-sonli buyrug'i	85
	Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida o'quvchilarining bosqichli va yakuniy nazorat imtihonlarini tashkil etish va o'tkazish to'g'risidagi 2017-yil 10-mart 78-sonli buyrug'i	98

KIRISH

Kitob mutolaasi kishini komillik sari yetaklaydigan, uning tafakkur xazinasini boyitadigan, zehni o'tkir, mushohadasini teran qiladigan muhim vosita sanaladi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 12-yanvardagi "Kitob mahsulotlarini chop etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ'ibot qilish bo'yicha komissiya tuzish to'g'risida"gi farmoyishi yurtdoshlarimizni, xususan, yoshlarni kitob mutolaasiga jalb etishda yangi davrni boshlab berdi, desak aslo mubolag'a bo'lmaydi.

Farmoyishga asosan, endilikda ta'lim muassasalari, kutubxonalar, mahallalarda kitob mualliflari bilan ijodiy uchrashuvlar tizimli ravishda tashkil etiladi hamda ta'lim muassasalari, ayniqsa, maktabgacha va boshlang'ich ta'limda o'qish madaniyati va mutolaa ko'nikmalari shakllantiriladi. Shu bois farmoyish ijrosini va undagi vazifalarni ta'minlash maqsadida bir qator manfaatli vazirlik va tashkilotlar tomonidan qo'shma qaror qabul qilindi. "Yoshlar o'rtasida kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini yuksaltirish, ularning sifatli kitob mahsulotlariga bo'lgan talabini qondirish to'g'risida"gi mazkur qarorda vazifalar aniq belgilangan. Xususan, Xalq ta'limi vazirligi hamkorlik rejasi doirasida ta'lim muassasalari axborot-resurs markazlari kitoblar bazasini bosqichma-bosqich boyitib borish, ta'lim jarayonlarining kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini rivojlantirishdagi ta'sirini oshirish bo'yicha choralarni ko'radi.

Xalq ta'limi vazirining "Maktab direktorlarining o'quv-tarbiya ishlari bo'yicha o'rinbosarlari va fan metodistlarining uzluksiz kasbiy mahoratlarini oshirishga yo'naltirilgan o'quvlarni tashkil etish to'g'risida"gi buyrug'i ta'lim sifatini tubdan yaxshilash, pedagog va mutaxassislarining kasbiy mahoratini oshirish kabi muhim masalalarga qaratilgan. Buyruqqa ko'ra, joriy yilning 20-fevralidan har ikki haftada bir marta videoseminarlar orqali o'quv-tarbiya ishlari bo'yicha direktor o'rinbosarlari va fan metodistlarining uzluksiz kasbiy mahoratlarini oshirishga yo'naltirilgan o'quvlarni tashkil etish mexanizmi yo'lga qo'yildi. Hozirda o'quvlarni tashkil etishda Xalq ta'limi vazirligining "Ilg'or pedagoglar va izlanuvchan o'quvchilarning elektron hamjamiyati" (ipt.mahorat.uz) veb-portali orqali maxsus onlayn muloqot o'tkazilib, ularda o'quv kurslari ishtirokchilarining talab va ehtiyojlari ham o'rganib borilmoqda.

Xalq ta'limi vazirining "Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida "Ota-onalar bilan muloqot xonasi"ni tashkil etish to'g'risida"gi buyrug'i ta'lim muassasalari bilan ota-onalarning o'zaro hamkorligini yanada kuchaytirish, ota-onalar bilan ta'lim tizimiga oid muammolarni joyida hal etish, bu borada aholi bilan doimiy muloqotni tizimli tashkil etishga qaratilgani bilan juda ahamiyatlidir. Buyruqqa binoan, joriy yilning 1-martidan boshlab barcha umumiy o'rta ta'lim muassasalarida "Ota-onalar bilan muloqot xonasi" tashkil etildi.

Umuman olganda, Axborotnomaning ushbu sonida taqdim etilayotgan normativ hujjatlardan ko'zlangan asosiy maqsad – xalq ta'limi tizimini yanada rivojlantirishdir.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯ-
ЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ,
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ,
ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН “КАМОЛОТ” ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ,
“МАҲАЛЛА” ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ РЕСПУБЛИКА
БОШҚАРУВИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАФКУРА ИЛМИЙ АМАЛИЙ МАРКАЗИ,
РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ**

Қ А Р О Р И

**ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБ МУТОЛААСИ ВА
КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ, УЛАРНИНГ
СИФАТЛИ КИТОБ МАҲСУЛОТЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБИНИ
ҚОНДИРИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сон фармойиши ижросини таъминлаш, ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг сифатли китоб маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Матбуот ва ахборот агентлиги, “Камолот” ЁИХ Марказий Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий телерадиокомпания

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг сифатли китоб маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бўйича ҳамкорлик режаси 1-иловага, Республика Ишчи гуруҳи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **“Камолот” ЁИХ Марказий Кенгаши** (Ашуров) ҳамкорлик режаси доирасида ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этиш ҳамда “Камолот кутубхонаси” рукни остидаги китоблар базаси ва реализациясини янада кенгайтиришга эътибор қаратсин.

3. **Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги** (Мансуров) ҳамкорлик режаси доирасида нашриётлар ва ноширлик иши фаолиятини такомиллаштириш, сифатли, китобхонлар талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган китоб маҳсулотларини ишлаб чиқариш чораларини кўрсин.

4. **Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги** (Мажидов), **Халқ таълими вазирлиги** (Кенжаев), **Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази** (Зикриллаев) ҳамкорлик режаси доирасида таълим муассасалари ахборот-ресурс марказлари китоблар базасини босқичма-босқич бойитиб бориш, таълим жараёнларининг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантиришдаги таъсирини ошириш бўйича чоралар кўрсин.

5. **Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси** (Мирзаалиев), **Республика Маънавият тарғибот маркази** (Қосимов), **Миллий ғоя ва мафкура амалий маркази** (Маврулов) ёшлар маънавий олами ва дунёқарашини бойитиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ҳамда ҳаётда ўз ўрнини топишида туртки бўладиган асарлар яратиш, жаҳон адабиётининг сара асарларини ўзбек тилига таржима қилишга қаратилган ишларни янада такомиллаштириш чораларини кўрсин.

6. **Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги** (Аъламов), **Республика Ахборот-кутубхона маркази** (Отақўзиев) ҳудудлардаги ахборот-кутубхона марказларининг китоб фондиди ҳамда тўлиқ матнли маълумотлар базасини бойитиш, электрон адабиётлар учун махсус сайтлар яратиш ва уларнинг маълумотлар базасини кенгайтириш ишларини ташкил этсин.

7. **“Маҳалла” хайрия жамоат фонди** (Жавлонов) маҳаллаларда ёшларнинг китоб маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларга китоб ўқишлари учун замон талабларига жавоб берадиган қулайликлар яратиш бериш ҳамда оилаларда китобхонлик маданиятини тарғиб этишга эътибор қаратсин.

8. **Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси** (Мирзахидов) га ҳамкорлик режаси доирасида марказий ва ҳудудий телерадиоканаллар орқали аҳоли ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш бўйича ижтимоий роликлар, кўрсатув ва эшитиришлар бериб бориш тавсия этилсин.

9. Қарор ижросини назорат қилиш Республика Ишчи гуруҳи аъзолари зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги в.б. <i>2017 йил 27 февраль</i>	Ш. Шерматов
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири <i>2017 йил 27 февраль</i>	У. Иноятов
Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири <i>2017 йил 27 февраль</i>	Р. Касимов
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори <i>2017 йил 27 февраль</i>	У. Салимов
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори ўринбосари <i>2017 йил 27 февраль</i>	К. Мансуров
Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси в.б. <i>2017 йил 27 февраль</i>	С. Ашуров
“Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика Бошқаруви раиси <i>2017 йил 27 февраль</i>	Ш. Жавлонов
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси <i>2017 йил 27 февраль</i>	М. Аҳмедов

**Миллий ғоя ва мафкура
илмий амалий маркази раҳбари**
2017 йил 27 февраль

А. Маврулов

**Республика Маънавият тарғибот
Маркази раҳбари в.б.**
2017 йил 27 февраль

Н. Қосимов

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси
раиси**
2017 йил 27 февраль

Х. Мирзахидов

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги,
 Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
 Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Матбуот ва ахборот агентлиги,
 “Қамолот” ЁИХ Марказий Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди,
 Ёзувечилар уюшмаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази,
 Республика Маънавият тарғибот маркази,
 Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг
 2017 йил 27 февралдаги қарорига 1-илова

**Ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг сифатли китоб маҳсулотларига бўлган талабни қондириш бўйича
 ҲАМКОРЛИК РЕЖАСИ**

№	Чора-тадбир номи	Муддати	Асосий ижрочи	Ҳамкорлар
I. Ёшларнинг сифатли китоб маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, улар учун замонавий талабларга жавоб берадиган қулайлик ва имкониятлар яратиш				
1.	Болалар ва ёшлар ўртасида “Менинг сеvimли китобим” номли социологик сўровлар (таълим муассасалари, маҳалла ва илтимойий тармоқларда) ўтказиш орқали уларнинг китоб маҳсулотлари турига бўлган қизиқиши ва талабни ўрганиш ҳамда китоб маҳсулотлари руйхатини шакллантириш	2017 йил II чорак	“Қамолот” ЁИХ	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди

2.	Баркамол авлодни тарбиялашда муҳим бўлган китоблар каталогини "Қамолот кутубхонаси" рўқни остида янада ривожлантириш	2017-2018 йиллар давомида	"Қамолот" ЁИХ	Матбуот ва ахборот агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус. касб-хунар таълими маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди
3.	Жаҳон адабиётининг энг сара асарларини ўзбек тилига таржима қилиш тизимини ривожлантириш мақсадида Ёзувчилар уюшмаси қошида "Таржимонлар маркази"ни ташкил этиш	2017 йил II чорак	Ёзувчилар уюшмаси	Матбуот ва ахборот агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
4.	"Йилнинг энг яхши китоби", "Йилнинг энг яхши болалар китоби", "Йилнинг энг яхши аудио китоби", "Йилнинг энг яхши электрон китоби" номинациялари бўйича намунали ноширлик ишларини рабатлантириш	2017 йил III чорак	Матбуот ва ахборот агентлиги	Ёзувчилар уюшмаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази, Маънавият тарғибот маркази
5.	Бадий, маънавий-маърифий китоблар рўyxатини тузиш ва улар билан таълим муассасаларининг ахборот-ресурс марказларини таъминлаш юзасидан тавсиялар бериш	II-III чораклар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази	Республика Ишчи гуруҳи аъзолари
6.	Туман (шахар)лар марказларидаги ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини танқидий ўрганиш ва самарадорлигини ошириш	II-III чораклар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази	Республика Ишчи гуруҳи аъзолари

7.	Наشريётлар ва китоб савдоси ташкилотларининг электрон савдо сайтлари (виртуал дўконлар)ни яратиб	III чорак	"Қамолот" ЁИХ, Халқ таълими вазирлиги	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
8.	Ёзи болаларни соғломлаштириш оромгоҳларининг кутубхоналари учун китоблар рўйхатини тузиш ва уларнинг етказиб берилишини йўлга қўйиш	2017-2018 йиллар давомида	"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Шарқ" НМАК	Республика Ишчи гуруҳи аъзолари
II. Ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш				
9.	Мақтабгача ва бошланғич таълимда "Ўқиш ва мутолаа маданияти" бўйича қўшимча машғулотлар ташкил этиш	2017-2018 йиллар давомида	Халқ таълими вазирлиги	Ишчи гуруҳ аъзолари
10.	Чоп этилаётган китобларни "Маданият ва маърифат", "Болажон" телеканали орқали кенг тарғиб қилиш	2017-2018 йиллар давомида	Миллий телерадиокомпания	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси
11.	"Топагон болажон" интеллектуал телеўйинини ташкил этиш	Доимий	Миллий телерадиокомпания	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси
12.	Таълим муассасалари, маҳаллалар, қорхона ва ташкилотларда "Мен севган китоб" мавзусида танқили адиблар иштирокида учрашувлар ташкил этиш	2017-2018 йиллар давомида	Ёзувчилар уюшмаси	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди
13.	Маҳаллаларда "Энг яхши китобхон оила" танловини ташкил этиш	2017 йил II чорак	"Маҳалла" хайрия жамоат фонди	Матбуот ва ахборот агентлиги

14.	Ёшларни китоб мутолаасига қизиқтириш ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш мақсадида "Зукко китобхон" интеллектуал турнирини ўтказиш	2017 йил II-III чорақлар	"Қамолот" ЁИХ	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази
15.	Таълим муассасаларида фаолият юритаётган адабиёт тўғарақлари фаолиятини кучайтириш	2017 йил II чорақ	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази	Ёзувчилар уюشمаси, "Қамолот" ЁИХ
16.	Таълим муассасаларида "Китобхонлик ҳафталиги" тadbирлари ва китоб ярмаркаларини ташкил этиш	2017-2018 йиллар давомида	Матбуот ва ахборот агентлиги	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази
17.	Болалар учун ижтимоий роликлар тайёрлаш ва телерадиоканаллар орқали бериб борилиши тавсия этилсин	Март	Миллий телерадиокомпания	Халқ таълими вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази
18.	Ижтимоий тармоқларда "Китоб ўқишга чорлов", "Фарзандимга китоб совға қилдим" акцияларини ташкил этиш	Ҳар чорақда	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Матбуот ва ахборот агентлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ёзувчилар уюشمаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, "Қамолот" ЁИХ, А.Навсий номидати Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика Болалар кутубхонаси

19.	2 апрель – “Бутунжаҳон болалар китоблари куни” муносабати билан умумтаълим мактабларида ота-оналар иштирокида “фарзандим-га китоб совға қиламан” мавзусида акциялар ўтказиш	Апрель	Халқ таълими вазирлиги	“Қамолот” ЁИХ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари
20.	Таълим муассасаларидаги ёшлар ўртасида “Энг яхши китобхон ўқувчи” танловини ташкил этиш	II чорак	Халқ таълими вазирлиги	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, “Қамолот” ЁИХ, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази
21.	Умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг кинотобонлик маданиятини оширишга қаратилган “Мен севган қаҳрамон” мавзусида иншолар танловини ўтказиш	Март-апрель	Халқ таълими вазирлиги	Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази
22.	Ёшлар қизиқиб ўқийдиган миллий ва жаҳон адабиёти намуналаридан иборат энг сара 100 та китобнинг электрон вариантини (мобил илова шаклида) яратиш	Октябрь	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси
23.	Китоб дўконларида 100-миқоз акциясини ўтказиш	Йил давомида	Матбуот ва ахборот агентлиги	Ёзувчилар уюшмаси, “Қамолот” ЁИХ
24.	“Қамолот” китоблари онлайн виқторинасини ташкил этиш	Режа асосида	“Қамолот” ЁИХ	Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази

25.	<p>Ёшлар ўртасида "Бадий ўқиш" бўйича худудий танловини ўтказиш</p>	<p>Май</p>	<p>Республика Маънавият тарғибот маркази</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ЁИХ</p>
26.	<p>Китобхонликни кенг тарғиб қилишга қаратилган "Бу китобни ўқидингизми?", "Мен севган адиб", "Муголаа", "Бир асар тахлили", "Бугунги кинотехнология", "Радио китоб", "Ёшлар кутубхонаси", "Муголаа завқи" сингари кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатиш тавсия этилсин</p>	<p>Режа асосида</p>	<p>Миллий телерадиокомпания</p>	<p>Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика Болалар кутубхонаси</p>
27.	<p>Ёшларнинг бадий ижодга бўлган қизиқишини қўллаб-қувватлаш мақсадига ёш ижодкорларнинг "Менинг биринчи китобим" республика форумини ўтказиш</p>	<p>Май</p>	<p>Ёзувчилар уюшмаси</p>	<p>Республика Маънавият тарғибот маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси</p>

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Матбуот ва ахборот агентлиги, “Камолот” ЁИҲ Марказий Кенгаши, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2017 йил 27 февралдаги қарорига 2-илова

Ёшлар ўртасида китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, уларнинг сифатли китоб маҳсулотларига бўлган талабини қондириш бўйича ҳамкорлик режасини амалга оширувчи Республика Ишчи гуруҳи ТАРКИБИ

С. Ашуров	– “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси в.б., Ишчи гуруҳ раҳбари
К. Мансуров	– Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори ўринбосари
И. Мажидов	– Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари
Д. Кенжаев	– Халқ таълими вазирининг ўринбосари
У. Аъламов	– Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг ўринбосари
Х Нуритдинов	– Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси раисининг биринчи ўринбосари
Х. Зикриллаев	– Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директорининг биринчи ўринбосари
З. Рўзиев	– “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Республика Бошқаруви раиси ўринбосари
А. Маврулов	– Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий маркази раҳбари
И. Мирзаалиев	– Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари
Н. Қосимов	– Республика Маънавият тарғибот Маркази раҳбари в.б.
А. Отақўзиев	– Республика Ахборот-кутубхона маркази директори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 26 январь

30-сонли

Б У Й Р У Қ И

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюқ давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, ҳалокат ёқасига келиб қолган юртимизни қайта тиклади.

Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олийжаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. У нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс ва арбоб сифатида танилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2744-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Халқ таълими тизимидаги барча таълим муассасаларида ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов таваллуд топган сана – 30 январь кунини кенг нишонлаш, 2 сентябрь кунини Хотира куни сифатида ёд этиш тадбирлари ташкил этилсин.

2. Республика таълим маркази (И. Зокиров)га бир ой муддатда барча таълим муассасаларида ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд топган сана – 30 январь кунини кенг нишонлаш ва 2 сентябрь кунини Хотира куни сифатида ёд этиш тадбирларини ташкил этиш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва жойларга етказиш вазифаси юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари тизимдаги барча таълим муассасаларида ҳар йили Биринчи Президентимиз таваллуд топган сана – 30 январь кунини кенг нишонлаш ва 2 сентябрь кунини Хотира куни сифатида ёд этиш тадбирларининг юқори савияда ташкил этилиши таъминласин.

4. Ахборот хизмати (Б. Шайвалиев) ҳамда “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари таҳририяти (А. Раҳимов)га Республика таълим маркази томонидан ишлаб чиқилган методик тавсияларни ҳамда Биринчи Президентимиз хотирасига бағишлаб таълим муассасаларида ўтказиладиган тадбирларни оммавий ахборот воситаларида ва вазирликнинг расмий веб-сайтида кенг ёритиш тавсия этилсин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д. Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 1 февраль

36-сонли

Б У Й Р У Қ И

**МАКТАБ ДИРЕКТОРЛАРИНИНГ ЎҚУВ-ТАРБИЯ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА ЎРИНБОСАРЛАРИ ВА ФАН МЕТОДИСТЛАРИ-
НИНГ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ МАҲОРАТЛАРИНИ ОШИРИШГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЎҚУВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилнинг 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 январдаги №08-08-8-сонли, 2017 йил 14 январдаги 1-сонли баёнларида белгиланган умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, педагог ва мутахассисларнинг касбий маҳоратини ошириш каби вазифалар ижросини таъминлаш, халқ таълими тизимида эҳтиёжга асосланган методик хизматни йўлга қўйиш, мактаб директорларининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари ва халқ таълими бошқарув идораларида фаолият кўрсатаётган фан методистларининг ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини таъминлаш бўйича касбий маҳорати ҳамда масъулияти-ни ошириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Жорий йилнинг 20 февралидан бошлаб ҳар икки ҳафтада бир марта видеосеминарлар орқали иловадаги схема асосида мактаб директорларининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари ва фан методистларининг узлуксиз касбий маҳоратларини оширишга йўналтирилган ўқувларни ташкил этиш механизми йўлга қўйилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мактаб директорларининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари ва халқ таълими бошқарув идораларида фаолият кўрсатаётган фан методистлари учун ташкил этиладиган ўқувлар уларнинг амалий фаолиятлари учун зарур ма-салаларда, методик эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилади.

3. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М. Вахобов), Республика таълим маркази (И. Зокиров)га:

бир ҳафта муддатда таълим муассасалари жамоалари, ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари билан ҳамкорликда мактаб директорларининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари ва халқ таълими бошқарув идораларида фаолият кўрсатаётган фан методистларининг методик эҳтиёжларини ўрганиш;

ўрганиш натижалари асосида видеосеминарлар режа ва дастурини, шу асосида тизимли равишда ўқувлар материаллари, тақдимот ва маърузачиларни тайёрлаш;

жорий йилнинг 20 февралига қадар таълим муассасаларининг сони ва уларнинг ҳудудий жойлашувини инобатга олган ҳолда ўқувлар ташкил қилинадиган таълим муассасалари белгиланишини назоратга олиш;

малакали мутахассислар ва амалиётчиларни жалб этган ҳолда 2017 йилнинг 20 февралидан бошлаб тизимли равишда видеосеминар орқали ҳар бир ҳудудда каскад усулида ўқувларни сифатли ташкил этиш;

ўқув материаллари, шу йўналишдаги илғор тажрибаларни тизимли равишда ахборот таълим порталига жойлаштириш, ipt.mahorat.uz сайтидаги форум орқали ўқув иштирокчилари, мактаб раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг онлайн мулоқотини ташкил этиш;

ўқувлар натижалари, мутахассисларнинг методик эҳтиёжлари асосида тизимли равишда кейинги ўқув материалларини такомиллаштириб бориш;

малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда тизимли равишда ўқувларнинг натижаларини ҳамда берилган вазифа, топшириқларнинг ижросини барча турдаги таълим муассасаларида сайланма равишда ўрганиш ҳамда тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

жорий йилнинг 20 февралига қадар Методика марказлари томонидан мактаб директорларининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари ва туман бўлимларида фаолият кўрсатаётган фан методистларининг методик эҳтиёжларини ipt.mahorat.uz сайтидаги махсус онлайн сўровнома орқали аниқланишида амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

20 февралга қадар таълим муассасаларининг сони ва уларнинг ҳудудий жойлашувини инобатга олган ҳолда мактаб директорларининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари учун ўқувлар таш-

кил этиладиган таълим муассасалари рўйхатини Республика таълим марказига тақдим этиш;

видеосеминарлар режа ва дастурига мос равишда тегишли методистлар ҳамда ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарларини тизимли равишда ўқувларда иштирок этишини таъминлаш;

ipt.mahorat.uz сайтидаги махсус онлайн мулоқот асосида бошқа ҳудуддаги ҳамкасблари билан тажриба ва фикр алмашишларини ташкил этиш;

икки ойда бир марта вазирлик томонидан тақдим этилган синов материаллари асосида видеосеминар иштирокчиларини ўқувлар якуни бўйича синовдан ўтказиш ва синов натижалари бўйича видеосеминарлар самарасини, методист ва директор ўринбосарларининг қўшимча эҳтиёжларини ўрганиб бориш ва вазирликка тақдим этиш;

илғор иш тажрибали мутахассисларнинг тажрибаларини омалаштириш, моддий ва маънавий рағбатлантириш чораларини кўриш ҳамда давлат ва тармоқ мукофотлари билан тақдирлаш бўйича вазирликка таклифлар киритиш вазибалари юклатилсин.

5. А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти (Н. Рахмонқулова) ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий институтлари ректорлари:

мактаб директорларининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари ва туман бўлимларида фаолият кўрсатаётган фан методистларининг малака ошириш курслари жараёнида уларнинг методик эҳтиёжларини мунтазам таҳлил қилиб бориш ва курс натижалари бўйича Республика таълим марказига таклифлар киритиш;

мактаб директорларининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари ва туман бўлимларида фаолият кўрсатаётган фан методистларининг методик ёрдамга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб ўқув дастурлари ва маъруза матнларини такомиллаштириб бориш ҳамда малакали амалиётчи мутахассисларни дарс жараёнларига жалб этиш чораларини кўриш;

мактаб директорларининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосарлари ва фан методистлари учун ташкил этиладиган ўқувларда таҳлилий материаллар ва амалий таклифлар билан профессор-ўқитувчиларнинг иштирокини таъминлаш вазифаси юклатилсин.


6. Т. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти (Н. Тайлаков)га умумтаълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёни сифатини бошқаришга оид тадқиқотларнинг амалий натижалари ҳамда янги давлат маъмурчилиги, стратегик

режалаштиришнинг зарур ва самарали элементларини жорий этишга оид халқаро тажрибалар тўғрисида ўқувларда тизимли равишда тақдимотлар ташкил этиш вазифаси юклатилсин.


7. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир**У. Иноятов**


Халқ таълими вазирлиги ва Республика ташкилотларининг вазифалари



Худудий халқ таълими бошқаруви идоралари, Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институтлари, Таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман(шаҳар) бўлимларининг вазифалари




Таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари методистлари ва тренерларнинг вазифалари



Давлат таълим стандартлари мониторинги жараёнини методик таъминлаш гуруҳларининг вазифалари



Халқ таълими вазирлиги ва республика ташкилотларининг вазифалари



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 9 февраль

40-сонли

Б У Й Р У Қ И**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ ТЎҒРИСИДА”ГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2017 ЙИЛ
7 ФЕВРАЛДАГИ ПФ-4947-СОНЛИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ
ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА**

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим тизими тубдан ислох этилиб, баркамол авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинган соҳага оид бир қатор давлат дастурларига асосан кўплаб таълим муассасалари янгидан қурилди, таъмирланди, энг замонавий ўқув анжомлари билан таъминланди. Миллий ҳамда умуминсоний кадриятларга асосланган, бугунги давр талабларига жавоб бера оладиган таълим-тарбия тизими яратилди. Бу борадаги ишлар бугунги кунда ҳам жадал давом этмоқда, мустақил фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, ўз дунёқарашига эга бўлган ёшларни тарбиялаш ҳар доимгидек долзарб бўлиб қолмоқда. Айниқса, дунё тараққиёти шиддати, унда кечаётган воқеалар ривожига барча соҳалар каби таълим-тарбия жараёнига ҳам янгича ёндашув, инновацияларни татбиқ этишни тақозо этмоқда. Аввало бу, ўқув дастурлари, дарсликлар, методикаларни янада такомиллаштириш, ўқитувчи-педагоглар савиясини мунтазам ошириб бориш, жараёнга энг замонавий ва илғор ахборот ҳамда таълим технологияларини жорий этиш билан боғлиқ муаммоларда кўринмоқда.

Бугунги кунда халқ таълими тизими олдида қўйилаётган бу каби вазифаларни тўлақонли амалга ошириш, амалий натижаларини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947– сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Юқорида таъкидлаб ўтилган фармон билан 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури (кейинги ўринларда – Давлат дастури) тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”га (кейинги ўринларда – Ҳаракатлар стратегияси) мувофиқ Халқ таълими тизимида 2017–2021 йилларда амалга оширилаётган устувор вазифалар (кейинги ўринларда – устувор вазифалар) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича вазирлик комиссияси таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Давлат дастурининг ижросини таъминлаш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг тармоқ дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Белгилаб қўйилсинки, Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ устувор вазифаларни ўз вақтида ва самарали амалга ошириш барча халқ таълими бошқарув идоралари ҳамда уларнинг раҳбарларининг бирламчи вазифаси ва асосий фаолият йўналиши ҳисобланади.

7. Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича вазирлик комиссияси зиммасига Давлат дастурига киритилган тегишли тадбирларнинг тўлиқ, ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш, шунингдек Ҳаракатлар стратегиясини 2018–2021 йилларда амалга ошириш бўйича тегишли йиллик давлат дастурлари лойиҳаларига таклифлар тайёрлаш вазифаси юклатилсин.

8. Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларни амалга оширишда масъуллар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига масъулият билан ёндашган ҳолда, жиддий, ҳар томонлама тўла ва ҳолисона ўрганиб чиқиш асносида халқнинг халқ таълими бошқарув идораларига бўлган ишончини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими

бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари, давлат педагогика ҳамда ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари раҳбарларига:

бир ҳафта муддатда мазкур буйруқ билан тасдиқланган Халқ таълими тизимида 2017-2021 йилларда амалга ошириладиган устувор вазифалар ҳамда тармоқ дастурда белгиланган тадбирлар асосида ўзларининг тармоқ дастурини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

ўн кун муддатда туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари, мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари дастурларининг ишлаб чиқилиши ва ўрнатилган тартибда қабул қилинишини таъминлаш;

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастури ҳамда вазирликнинг тармоқ дастурида назарда тутилган тегишли тадбирларнинг ҳудудда ва муассасаларда сўзсиз, тўлиқ ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан муассаса раҳбарларига шахсий жавобгарлик юклаш;

Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифаларини, уни амалга оширишнинг асосий устувор йўналишлари ҳамда Давлат дастурини барча таълим муассасалари педагогик жамоалари ва ота-оналар иштирокидаги давра суҳбатлари, ўқувчилар билан ўтказиладиган тарбиявий соатларда тушунтириш ишларини ташкил этиш;

Давлат дастурига киритилган тегишли вазифаларнинг ва тармоқ дастурида белгиланган тадбирлар ижросининг тўлиқ, сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши бўйича ташкилотлар даражасида аниқ, пухта мувофиқлаштирилишини ташкил этиш, тизимли назорат ўрнатиш ва мониторингини олиб бориш вазифалари топширилсин.

10. Вазирлик бош юрисконсулти (С.Миразимов) Давлат дастурида назарда тутилган тизимга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишилиши ва киритилиши устидан мониторинг қилиш ҳамда унинг натижалари тўғрисида вазирлик раҳбариятига ҳар чорақда ахборот бериб боришни таъминласин.

11. Вазирликнинг Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Рахимов)га Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижроси бўйича амалга оширилаётган ишларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

12. Инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорлик бўлими (Д.Ташпулатов) Ҳаракатлар стратегия ҳамда унга мувофиқ усту-

вор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вазирлик бошқарма ва бўлимлар билан ҳамкорликда ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълимга оид тараққиёт тажрибасини, зарур бўлганда ўрнатилган тартибда халқаро ва хорижий ҳукумат ва ноҳукумат ташкилотлари вакиллари жалб қилган ҳолда ўрганиш юзасидан таклифлар киритсин.

13. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирининг
2017 йил 9 февралдаги 40-сонли буйруғига
1-илова

**“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини
ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича
Ҳаракатлар стратегияси”га мувофиқ Халқ таълими тизимида
2017–2021 йилларда амалга ошириладиган
УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

1. Халқ таълими тизимида амалга ошириладиган ислохотлар ва устувор вазифалардан келиб чиқиб, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни замон талаблари асосида такомиллаштириш борасидаги вазифалар:

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазириги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида уларнинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишга қаратилган амалдаги меъёрий ҳужжатларни, уларда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишни таъминлаш нўқтаи назаридан унификация қилиш;

музыка ва санъат таълим муассасалари ўқитувчи ва концерт-мейстерларининг малакасини ошириш, “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини ривожлантириш, давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасалари тизимини такомиллаштириш, таълим муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш.

2. Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш борасидаги вазифалар:

илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш шароитларини яратиш;

мактабгача таълим сифатини ошириш, мактабгача таълим муассасаларида болаларни мактабга сифатли тайёрлашни тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

мактабгача таълим муассасаларида 5-6 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш бўйича қисқа муддатли гуруҳларни ташкил этиш;

замонавий педагогик технологиялар ва услубларни инobatта олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларига педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режа ва дастурларини такомиллаштириш;

мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан қишлоқ жойларда мактабгача таълим муассасаларини янгидан қуриш, уларни замонавий талабларга жавоб берадиган инвентарь, жиҳоз, ўқув-методик қўлланмалар ва мультимедиали воситалар билан таъминлаш.

3. Умумтаълим муассасаларида таълим-тарбия сифатини тубдан такомиллаштириш борасидаги вазифалар:

узвийлик, узлуксизлик ҳамда компетенциявий ёндашув асосида умумий ўрта таълимнинг янги давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва дарсликларнинг янги авлодини яратиш;

халқаро талабларга мос равишда бола шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим методологиясини амалиётга жорий этиш, фанлар йўналишида ўқитиш муаммоларига бағишланган форумлар ташкил этиш;

чет тилидан юқори синфлар дарслик мажмуаларини такомиллаштириш, педагоглар томонидан дарс жараёнида электрон дарсликлар, виртуал лаборатория ишлари, таълимга оид ўйинлар, бошқа қўшимча электрон таълим ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш;

айрим фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари тармоғини янада ривожлантириш.

4. Кадрлар салоҳиятини ошириш, ўқитувчиларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш борасидаги вазифалар:

халқ таълими раҳбар ва педагог кадрларини малакасини ошириш мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини такомиллаштириш, ўқув режа ва дастурлар мазмунини қайта кўриб чиқиш, профессор-ўқитувчилар сифат таркибини яхшилаш;

умумтаълим мактаблари ўқитувчиларини, хусусан табиий фанлар ўқитувчиларининг касбий маҳоратини узлуксиз ошириб бориш тизимини йўлга қўйиш орқали таълим сифатини ошириш;

халқаро тажрибаларни ўрганиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига самарали татбиқ этиш мақсадида фан ўқитувчилари, хусусан, чет тили ўқитувчиларининг хорижий стажировкаларини давом эттириш;

илғор тажрибаларни оммалаштириш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловларини мунтазам ўтказиб бориш;

чекка ва бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган умумтаълим мактабларининг малакали педагог кадрларга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида педагогика йўналишидаги олий ўқув юртларига мақсадли қабулни амалга ошириш юзасидан маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда таклифлар киритиш;

кам комплектли мактаблардаги педагог кадрларга бўлган эҳтиёжни қоплаш мақсадида “Олий таълим йўналишлари ва ихтисосликлари классификатори”га педагогика олий таълим муассасаларида бакалавриат йўналишларини бир-бирига яқин, математика-информатика, химия-биология, физика-астрономия, тарих-миллий истиқлол ғояси фани ихтисосликлари бўйича мутахассис тайёрлашга доир ўзгартириш киритиш юзасидан таклифлар киритиш;

давлат педагогика институтларида таълим йўналишлари бўйича ихтисослик фанларини ўқитиш методикасининг ўқув дастурларини замон талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш.

5. Ўқувчи-ёшларни ватанпарварлик, фаол фуқаролик туйғуси, қонунларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш борасидаги вазифалар:

ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида китобхонликни, китоб ўқишнинг соғлом фикрлашга, дунёқарашнинг кенгайишига, фаол фуқаролик позициясининг шаклланишига ижобий таъсирини кенг тарғиб қилиш;

умумтаълим мактаблари ва ахборот-ресурс марказларининг китоб фондини янги бадий ва энциклопедик адабиётлар билан бойитиш;

болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

“Баркамол авлод” болалар марказларида, болалар мусиқа ва санъат мактабларида болалар қамровини ошириш чораларини кўриш;

спортчи-ўқувчиларнинг “Умид ниҳоллари”, спартакиадалар, республика ва халқаро спорт мусобақаларда, иқтидорли ўқувчиларни республика ва халқаро миқёсдаги фан олимпиадаларида ҳамда мусиқа ва санъат соҳасидаги халқаро танловларда самарали иштирокини таъминлаш.

6. Тегишли дастурлар доирасида таълим муассасаларининг моддий-техника базасини янада ривожлантириш борасидаги вазифалар:

умумтаълим муассасалари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда болалар-ўсмирлар спорт мактабларида янги қурилиш, капитал реконструкция ва мукамал таъмирлаш, уларни ўқув

мебеллари, ўқув-лаборатория жиҳозлари, спорт инвентарлари, маҳаллий ва Европа мусиқа чолғулари билан таъминлаш, хусусан, умумтаълим мактабларининг чет тили хоналарини қўшимча жиҳозлаш.

7. Халқ таълими бошқарув идоралари ва таълим муассасаларида ҳужжатлар билан ишлашни ташкил этиш ва ижро интизомини мустақамлаш борасидаги вазифалар:

халқ таълими бошқаруви идоралари раҳбарларининг виртуал қабулхоналари, жойларда аҳоли билан очиқ мулоқотлар ташкил этиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш сифатини ошириш;

халқ таълими тизимида интерактив хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш орқали аҳолига қулайликлар яратиш.

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 9 февралдаги 40-сонли буйруғига
2-илова*

У. Иноятов	Халқ таълими вазири, Комиссия раиси
Б. Данияров	Вазирнинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосари
Д. Кенжаев	Вазир ўринбосари, раис ўринбосари
Э. Искандаров	Вазир ўринбосари, раис ўринбосари
А. Носиров	Таълим стандартларини такомиллаштириш ва илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўлими бошлиғи, котиб
	АЪЗОЛАР:
М. Юлдашев	Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи
М. Вахобов	Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи
Б. Шамсиев	Кадрлар бошқармаси бошлиғи
Н. Муротов	Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси бошлиғи
К. Инаков	Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи
Ф. Узоқов	Таълим муассасаларининг моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси бошлиғи
Ҳ. Даминов	Манавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи
А. Алимов	Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
С. Миразимов	Бош юрисконсулт
Б. Шайвалиев	Ахборот хизмати раҳбари
Д. Ташпулатов	Инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи
И. Зокиров	Республика таълим маркази директори
Н. Рахмонқулова	А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти ректори

Н. Тайлоқов	Т.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори
М. Аъзамова	Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази директори
Ш. Эргашев	Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис республика маркази директори
К. Гафуров	Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори
М. Мирхайдаров	"Ўқув таълим-таъминот" ДУК раҳбари
У. Тайлоқов	"ZiyoNet" ресурс марказининг ХТВ хузуридаги бўлими бошлиғи
Лавозими бўйича	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари

Изоҳ: Комиссиянинг аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, унинг таркибига ушбу лавозимга янгидан тайинланган шахслар киритилади.

Халқ таълими вазирлигининг
2017 йил 9 февралдаги 40-сонли буйруғига
1– илова

“2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг ижросини таъминлаш юзасидан Халқ таълими вазирлигининг ТАРМОҚ ДАСТУРИ

Д.д т/р	Тадбирлар номи	Муддати	Масъуллар	Сарф хара- жат	Молиялаш- тирувчи манбалар	Тақдим этиладиган хужжат шакли, амалга ошириш механизми, кутилаётган натижа	ХТВ ижрочи Масъуллар
II. ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ УСТУВОР ЙУНАЛИШЛАРИ							
2.4. Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш							

84.	1.	Давлат органлари ҳодимлари, таълим муассасалари ўқувчилари ва жамоатчилик ўртасида терроризм, экстремизм ва бошқа жиноий фаолиятни олдини олишга қаратилган комплекс профилактик тушунтириш тадбирларини ўтказиш. Ушбу мавзуларда бир қатор радио ва теледас турлар ташкил этиш.	Илг мобайнда	ИИВ, ОваўМТВ, Бош прокуратура, Халқ таълими вазирлиги, МТРК, "Маҳалла" жамғармаси, "Қамолот" ЁИХ, вазирлик ва идоралар	-	-	Комплекс профилактик-тушунтириш тадбирлари. Ушбу хужжатнинг қабул қилиниши жамиятда терроризм, экстремизм ва бошқа жиноий фаолиятни олдини олишга қаратилган, ушбу соҳада давлат органлари ва жамоатчилигининг ўзаро ҳамкорлиги механизмини янада такомиллаштиришга имкон беради.	Д. Кенжаев, Х. Дамнонов, Б. Шайвалиев,
97.	2.	Ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш ва кучайтириш механизминини ўз ичига олган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини ишлаб чиқишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини тайёрлаш.	2017 йил июнь	Халқ таълими вазирлиги, ОваўМТВ, ИИВ, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура	-	-	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси. Қарор асосида: ҳуқуқий таълимнинг давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилади; узлуксизлик ва узвийлик таъминлари асосида ҳуқуқий таълим модели ишлаб чиқилади; оила, мактабга таълимдан бошлаб ҳуқуқий таълим-тарбия тизимининг сифати яхшиланади.	Б. Данияров, М. Ваҳобов, С. Мирзимов

99.	<p>Аҳолини, айниқса, ёшларни диний экстремизм, ақидапарастлик каби бузғунчи ҳаракатлар таъсиридан асраш мақсадида маҳаллаларда ҳамда таълим муассасаларида "Исломи маърифати ақидапарастлигини қоралайди", "Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид" мавзуларида учрашув ва давра суҳбатларини ташкил этиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш.</p>	Ил давомда	<p>Дин ишлари бўйича кўмига, ОваўМТВ, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, "Қамолот" ЕИХ, "Маҳалла" жамғармаси, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, ЎзННТМА</p>	-	-	<p>Махсус дастур лойиҳаси. Ёшларда динлар бўйича тўғри ва ҳаққоний маълумотлар шаклланишига, уларнинг савол-жавобларига мустахкамлашга тўғридан ҳаққоний фактларга асосланган жавоблар берилишига, миллий анъаналарга, бой маданий меросига таянган ҳолда, маънавий ва маърифий ишларни тизимли олиб боришга эришилади.</p>	<p>Д. Кенжаев, Х. Даминов</p>
100.	<p>Таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг ҳуқуқий билимлари ва саводхонлигини янада ошириш ва мустахкамлашга қаратилган "Хуқуқ билим-донлари", "Сиз қонунни биласизми?", "Тафаккур синовлари", "Конституция – бахтимиз пойдевори" республика кўрик-танловларини ўтказиш.</p>	Ил давомда	<p>Халқ таълими вазирлиги, "Қамолот" ЕИХ, Адлия вазирлиги, ОваўМТВ, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, ФЖШМҚМИ</p>	25,0	Ижрочилар маблағлари	<p>Кўрик танловларини ўтказиш режаси лойиҳаси. Танловлар орқали ўқувчи талабаларда ҳуқуқий билимларни янада ошириш ва мустахкамлашга эришилади ҳамда бу соҳада иқтидорли ёшлар аниқланади. Шунингдек, танлов иштирокчи жамоалари билан бирга, тингловчи сифатида жалб қилинган кенг ёшлар қатлами ни ҳам ҳуқуқий онгини оширишга эришилади.</p>	<p>Д. Кенжаев, Х. Даминов</p>

IV. ИЖТИМОЙ СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	
4.2. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш	
213.	5.
Кекса авлод вакиллари ҳамда "Меҳрибонлик" уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, "Саҳоват" уйларида яшовчи яққа ёлғиз қариялар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун юртимиздаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва муқаддас қадимжоларга бепул саёҳатлар уюштириш.	Илг давомда
	"Қамолот" ЁИХ, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, "Маҳалла" жамғармаси, "Нуруний" жамғармаси, "Ўзбекистон темир йўллари", Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
	100,0
	Ижрочилар ва хайрия маблағлари
	Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари. Юртимиздаги тарихий обидалар, улуғ аллома аждодларимиз номлари билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳлар ҳақида ёшларнинг хабардорлигини оширади.
	Д. Кенжаев, Х. Даминов

226.	6.	<p>Аёллар ҳамда қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида:</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида "Соғлом она – соғлом бола" шiori остида анъанавий минтақавий "Аёллар спорт фестивали", "Соғлом авлод учун" кубоги учун сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш, гимнастика, бадий гимнастика, спорт рақси ва гимнастрада каби спорт мусобақалари ҳамда бошқа тadbирларни ўтказиш.</p>	2017 йил II чорақ 2017 йил I чорақ	<p>Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, "Соғлом авлод учун" фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ЁИХ, Тошкент шаҳар ҳокимлиги</p>	60,0	Ижрочилар маблаглари	<p>Аёллар спортнинг оммавийлигини ошириш. Қорхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш.</p>	Д. Кенжаев, Э. Искандаров, А. Алимов
------	----	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------	----------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------

4.4. Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш

260.	7.	<p>Мақтабача таълим муассасаларининг 106 тасини реконструкция қилиш ва 195 тасини капитал таъмирлаш, шунингдек, уларни мебель ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш.</p>	Ўил давомидда	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазири, Молия вазири, Иқтисодиёт вазири, Давархитектурилиш</p>	<p>Курпиш – монтаж ишлари учун – 195 000,0 42 200,0</p>	<p>Умумтаълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, муаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари, Давлат бюджети маблағлари</p>	<p>Республикадаги та мактабача таълим муассасасининг дей-техника базаси мустаҳкамланади.</p>	<p>Б. Данияров, Ф. Узоқов, М. Юлдашев</p>
------	----	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------

261.	8.	<p>Республикадаги 367 та умумтаълим мактабининг моддий-техника базасини мустахкамлаш, жумладан:</p> <p>9 та янги мактаб қуриш; 268 та мактабни реконструкция қилиш; 90 та мактабни капитал таъмирлаш; мактабларни мебель, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминлаш.</p>	Йил давомда	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давархитектурилиш</p>	Қурилиш монтаж ишлари учун – 389 200, 0 Жиҳозлаш ишлари учун – 59 000, 0	<p>Умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар ва тибиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бюджетдан ташқари жамғармаси маблағлари</p>	<p>Республикадаги 367 та умумтаълим мактабининг моддий-техника базаси мустахкамланади.</p> <p>Ўқувчиларнинг таълим олишлари ва ўқитувчиларнинг фаолият юритишлари учун кулай шарт-шароитлар яратилади.</p>	<p>Б. Данияров, Ф. Узоқов, М. Юлдашев</p>
264.	9.	<p>Умумий ўрта таълим муассасаларидаги ўқув синфлари ва гуруҳларидаги ўқувчиларнинг сонини ортиқлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.</p>	2017 йил II чорақ	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги</p>	-	<p>Умумий ўрта таълим муассасаларида таълим сифати ошади.</p>	<p>Б. Данияров, М. Юлдашев</p>	

	<p>265.</p> <p>Болалар спортининг оммавийлигини ошириш ҳамда мусика ва санъат таълимини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш.</p> <p>251 та умумтаълим мактаби, 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида спорт залларини қуриш, 9 та ёпиқ сузиш хавзасини қуриш ва 2 тасини реконструкция қилиш, 8 та болалар мусика ва санъат мактабини янгидан қуриш ва 12 тасини реконструкция қилиш.</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси,</p> <p>373 200,0</p>	<p>Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари</p>	<p>Чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>Болалар спортининг оммавийлигини ошириш ҳамда мусика ва санъат таълимини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилади.</p>	<p>Э. Искандаров В. Муродка-билов М. Юлдашев А. Алимов</p>
<p>266.</p> <p>11.</p>	<p>Ўш давмида</p>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давархитект-қурилиш</p>		<p>Вазирлар Маъкамаси қарори лойиҳаси. Бунда қуйидагилар назарда тутилади:</p>	

	266.	11.	2017 йил IV чорақ	<p>Аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари сифатли таълим олиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида инклюзив таълим тизими самарадорлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.</p>	<p>Халқ таълими вазирлиги, ОваУМТВ, Молия вазирлиги, Давлат тест маркази, ЎзННТМА</p>	-	-	<p>Ногирон болаларни зарур махсус адабиётлар ва қўлланмалар билан таъминлашни қамраб олувчи инклюзив таълим тизimini янада ривожлантириш;</p> <p>инклюзив таълим тизими ўқитувчиларига имтиёзлар бериш, жисмоний имконияти чеklangан талабаларнинг олий ўқув юртларида таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш;</p> <p>ногирон болаларни уйда ўқитадиган педагогларнинг ишини рағбатлантириш.</p>	<p>Д. Кенжаев, Х. Даминов, М. Ваҳобов, Н. Муротов, М. Юлдашев, С. Мирзимов</p>
4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш									
271	12.	Аҳолининг, айниқса, ёшларнинг интеллектуал ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш мақсадида:							

	271. 12.		<p>“Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида Республика “Китоб байрами” анъанавий тадбири ва унинг доирасида “Китоб – миллатнинг бебахом маънавий ва маданий мероси” мавзусида илмий-амалий конференция ташкил этиш ва ўтказиш; “Болалар китоблари” анъанавий республика фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш; ҳар бир туман марказида китоб дўконларини очиш ва уларни янги асарлар билан бойитиш; 40 га яқин номдаги ўзбек мумтоз ва ҳозирги замон адабиёти, жаҳон мумтоз адабиёти дурдоналарини нашр этиш ва хуудларда, хусусан, республика ахборот-ресурс марказларида уларнинг тақдимотини ўтказиш.</p>	<p>ЎзМАА, Халқ таълими вазирлиги, ОваЎМТВ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тасвирий ойна, “Қамолот” ЁИХ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари</p>	<p>Харажатлар сметасига мувофиқ</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Адабиёт орқали халқ маънавиятини юксалтириш, оилавий китоб ўқиш анъаналарини кенг тарғиб қилиш, ёзувчи ва китобхон ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, ёшларни интеллектуал-ривожланган ва маънавий баркамол қилиб вояга етказишда китобнинг ўрни ва аҳамиятига, китоб мутолааси маданиятига бўлган эътиборни кучайтириш.</p>	<p>Д. Кенжаев, Х. Даминов, М. Ваҳобов</p>
--	----------	--	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------------------------------------	-----------------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------

273.	<p>Юртимизнинг чекка хуудларларида Бадий академия тизими ташкилотлари ва таълим муассасалари ҳамкорлигида халқ рассомлари, халқ усталари билан болалар, ешлар ва уларнинг оналари учун “Бунёдкор халқим билан мулоқот — ижодим илҳами” мавзусида мастер-класслар ва ижодий учрашувлар ташкил этиш.</p>	Ил давомида	<p>Ўзбекистон Бадий академияси, Ова ўМТВ, Халқ таълими, Мавзирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги</p>	Харажатлар сметасига мувофиқ	Ижрочилар маблағлари	<p>Ёшларни она Ватанимизга садоқат руҳида тарбиялаш, улардан санъатта бўлган қизиқишни кучайтириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни ёритиш.</p>	<p>Д. Кенжаев, Х. Дамино</p>
279.	<p>Республикада ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш буйича вазирлик ва идоралар раҳбарлари билан ижтимоий тармоқларда тўғридан-тўғри узатиладиган очик мулоқотлар ташкил этиш.</p>	Ил давомида	<p>“Қамолот” ЁИХ, Ова ўМТВ, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ИИВ, Аxborot texnologiyalari vазирлиги, Ўзбекистон Миллий аxborot агентлиги, МТРК, ЎзОАВМА, вазирлик ва идоралар</p>	40,0	Ижрочилар маблағлари	<p>Вазирлар Маҳкамасининг Раёсат мажлисининг баёни. Мулоқотлар ёшлар масалалари билан шуғулланувчи вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида ташкил этилиб, хуудлардан келадиган оид ёшлар масалаларига оид саволларга тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари томондан тўлиқ жавоб берилади.</p>	<p>Д. Кенжаев, Б. Шайвалиев, М. Вахобов</p>

281.	<p>281. 15.</p> <p>Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, ёшларнинг спортга бўлган қизиқишларини оширишга йўналтирилган тадбирлар доирасида Жиззах вилоятида "Баркамол авлод" спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш.</p>	2017 йил май	<p>Ўрта махсус касб-хунари таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси</p>	14 000,0	<p>Давлат бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, ижрочилар маблағлари</p>	<p>"Баркамол авлод" спорт мусобақаларини ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>Спорт мусобақалари финал босқичи ўтказиладиган таълим муассасалари таъмирланади ва жиҳозланади.</p> <p>Ўқувчи-ёшларнинг соғлом ва баркамол бўлишлари учун барча шароитлар яратилади.</p>	<p>Э. Искандаров, З. Саидхонов, А. Алимов</p>
289.	<p>16.</p> <p>Ёшлар ўртасида тиббий маданиятни ошириш, уларга тиббий кўриқдан доимий ўтишнинг ижобий томонларини тушунириш мақсадида таълим муассасалари, маҳаллалар ҳамда тиббиёт пунктларида "Саломатлик кунлари"ни ташкил этиш.</p>	Йил давомида	<p>"Қамолот" ЁИХ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ОваЎМТВ, Халқ таълими вазирлиги, "Маҳалла" жамғармаси</p>	-	Ижрочилар маблағлари	<p>Аҳоли, айниқса, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи шакллантирилиши, уларнинг тиббий маданияти юксалтирилиши натижасида ёш авлоднинг баркамол ва соғлом қилиб вояга етказишда ўзининг ижобий натижасини кўрсатади.</p>	<p>Д. Кенжаев, М. Юлдашев, Х. Даминов</p>

292.	17.	Нотинч оилалар фарзандлари, уюлмаган ёшлар, иш билан банд бўлмаган, "оммавий маданият" таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-харакатларини назоратга олишда уларнинг ота-оналарининг масъулиятини ошириш, кашандалик, алкоғолли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирлар, семинарлар ўтказиш, буклет, плакат, кургазмали қўлланмалар чоп этиш, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил қилиш.	Ил давомда	"Қамолот" ЁИХ, Хотин-қизлар кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, ИИВ, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ОваЎМТВ, Урта махсус, касб-хунар таълими маркази, "Соғлом авлод учун" фонди, "Оила" илмий-амалий маркази, МТРК, ЎзННТМА	200,0	Ижрочилар маблағлари	Чора-тадбирлар дас-тури. Ёшларнинг "оммавий маданият" таъсирига қарши иммунитетни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзига, соғлом оила қуришга интилишларини рағбатлантириш.	Д. Кенжаев, Х. Даминов, Б. Шайвалиев
------	-----	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	-------	----------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------

2017 йилда Давлат дастурига мувофиқ тармоқ дастури тадбирларини амалга оширишнинг жами харажатлари: 1082,025 млрд. сўм (Давлат дастури умумий харажатлари (37 687,8 млрд.сўм)га нисбатан 2,87%).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 15 февраль

43-сонли

Б У Й Р У Ф И

**МАКТАБГАЧА ВА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИГА
ШАХМАТ САБОҚЛАРИ ВА ТЎГАРАКЛАРИНИ КЕНГ ТАШКИЛ
ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Таълим ва илм-фан, Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси мажлисининг 2017 йил 7 январдаги баёни (07.01.2017й. №08-08-8) ҳамда вазирликнинг 2017 йил 9 январдаги 02-06-сонли чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш, мамлакатимизда навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук, юсак интеллектуал салоҳиятли этиб вояга етказиш, спортнинг шахмат турини изчил ривожлантириш ва оммавийлаштириш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Таълим ва илм-фан, Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси мажлисининг 2017 йил 7 январдаги баёни (07.01.2017й. №08-08-8) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 январдаги мажлиси (07.01.2017й. №08-08-8) баёнида белгиланган вазибаларнинг ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М. Юлдашев), Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А. Алимов)га:

бир ой муддатда мактабгача таълим муассасаларида шахмат тўғаракларини жорий қилиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш;
ушбу йўриқнома асосида барча мактабгача таълим муассаса-

ларида шахмат тўғаракларини ташкил этилишини назоратга олиш вазифалари топширилсин.

4. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М. Вахобов), Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А. Алимов), Республика таълим маркази (И. Зокиров)га:

давлат таълим стандартларига ва умумий ўрта таълим ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш;

жисмоний тарбия ҳамда математика фанларига оид қисмига шахмат мавзуларини киритиш ва тўғараклар учун ўқув қўлланмалар ишлаб чиқиш вазифалари юклатилсин.

5. Вазир ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамфармаси ижро этувчи директори (Э. Исқандаров) 2017 йил 1 августига қадар барча мактабгача таълим муассасаларини шахмат тўғарагига оид спорт жиҳозлари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А. Алимов)га: ушбу буйруқ ва унинг иловаси билан тасдиқланган вазирликнинг чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар ижросини ўз муддатида бажарилишини назорат қилиш ва таъминлаш;

бир ҳафта муддатда мактабгача таълим муассасалари учун шахмат алифбосини чоп этиш бўйича маблағ манбасини аниқлаш ва 2017 йил 10 майига қадар чоп этиш чораларини кўриш;

амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни вазирлик раҳбариятига киритиб бориш вазифалари топширилсин.

7. Мазкур буйруқ бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирлигининг
2017 йил 15 февралдаги 43-сон буйруғига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Таълим ва илм-фан, Ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплекси мажлисининг 2017 йил 7 январь-8 февраль кунларидаги баёни (07.01.2017й. №08-08-8) ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг чора-тадбирлар режаси

Т/р	Амалга оширилаётган ишлар	Ижро механизми	Ижро мuddати	Масъул ижрочи
1.	Мақтабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида шахмат спорт турини ри-вожлантириш бўйича мута-хассисларни тайёрлаш	<p>1. Шахмат спорт тури бўйича бошлангич кўникмаларга эга хар худуддан биттадан мактабгача таълим муассасалари тарбиячилари ва умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия фани ўқитувчилари учун Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда тренерлик ўқув-курсларини ўтказиш.</p> <p>2. Тренерлик ўқув-курсларидан ўтган тарбиячи ва ўқитувчиларга, ёш тарбиячи ва ўқитувчиларни бириктириб "Устоз-шогирд" аъёналари усулида шахмат кўникмаларини ўргатиш.</p> <p>3. Тарбиячилар ва ўқитувчилар учун каскад усулида ўқув семинар-тренинглар, маҳорат сабоқларини ташкил этиб бориш.</p>	<p>2017 йил 20 март- 20 апрелгача</p> <p>Доимий</p> <p>Режа асосида</p>	<p>А. Алимов, Б. Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари</p>

	<p>4. Барча мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида шахмат бурчакларини ташкил этиш бўйича намунавий қўлланма ишлаб чиқиш.</p> <p>5. Тарбиячилар ва ўқитувчилар ўртасида шахмат мусобақалари, танловлар ўтказиш.</p> <p>6. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида шахматни ривожлантириш бўйича танловлар ўтказиш ҳамда танлов фойдаларини рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш.</p>	<p>2017 йил 10 июль</p> <p>доимий</p> <p>2017 йил 5 апрель</p>	
<p>2. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида шахматни ривожлантириш бўйича моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва тўғарақлар ташкил этиш юзасидан ўқув-методик қўлланмалар ишлаб чиқиш.</p>	<p>1. Мактабгача таълим муассасаларини шахмат спорт жиҳозлари билан таъминлаш учун маблағ манбасини аниқлаш, ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартномалар тузиш ва етказиб бериш.</p> <p>2. Болалар учун қизиқарли “Шахмат алифбоси”, тарбиячи ва ўқитувчилар учун “Шахмат тўғарагини ўргатишни бошланғич асослари”, “Дарсдан ташқари шахмат бўйича тўғарақлар ташкил этиш” мавзуларидаги ўқув-методик қўлланма ва адабиётлар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларига ўзгартиришлар киритиш ва янада такомиллаштириш юзасидан ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>4. Шахмат спорт туридан ўқув дастурлар тайёрлаш ва чоп этиш.</p>	<p>2017 йил 10 август</p> <p>2017 йил 20 июль</p> <p>2017 йил 1 май</p> <p>2017 йил 10 июль</p>	<p>Э. Искандаров, А. Алимов, М. Ваҳобов, И. Зокиров, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг минтақавий филиал директорлари</p>

<p>Шахмат спорт турига болаларни кенг жалб қилиш мақсадида аниқ тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш.</p>	<p>1. 2017–2018 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари жисмоний тарбия ва математика фани ўқув дастури доирасида шахмат мавзусида дарсларни ташкил этиш. 2. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида шахмат буйича тўғарақларни ташкил этиш. 3. Болалар ва ўқувчиларга шахматни яқиндан таништириш мақсадида барча мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида шахмат бурчакларини ташкил этиш.</p>	<p>2017 йил 1 сентябрь 2017 йил 10 апрель 2017 йил 1 август</p>	<p>А. Алимов, М. Юлдашев, М. Ваҳобов, Б. Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари</p>
<p>Шахмат спорт тури билан шуғулланувчи болаларни ва ўқувчиларни маҳоратларини ошириш.</p>	<p>1. Мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасаларида "Шахмат спорт турини оммавийлаштириш ойлиги"ни ўтказиш. 2. Мактабгача таълим муассасалари 5–7-ёшли катта ва тайёрлов гуруҳлари тарбияланувчилари ўртасида ҳамда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида шахмат буйича уч босқичли спорт мусобақаларини ташкил этиш: 1-босқич муассасада; 2- босқич муассасалараро; 3- босқич туман. 3. Ўзбекистон шахмат федерацияси экспертлари ва турли даражадаги мусобақаларнинг совриндорлари билан учрашувлар, мастер-класслар ташкил этиш.</p>	<p>2017 йилдан 1 май 2017 йил март ойидан бошлаб хар йили доимий</p>	<p>А. Алимов, Б. Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари</p>

5.	<p>Шахмат бўйича Жаҳон, Осиё ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларда Ўзбекистон Республикаси шарафини ҳимоя қилувчи болалар ва ўқувчиларни саралаб олиш.</p>	<p>1. Шахматни турли йўналишлари бўйича вилоят, Республика миқёсидаги мусобақа ва танловлар ғолиблари ҳамда иқтидорли шахматчиларни ёшлар кесимида танлаб олиш ва танлаб олинган шахматчиларни рағбатлантириш тартибини ишлаб чиқиш. 2. Иқтидорли шахматчиларни халқаро мусобақа ва танловларга сафарбар этиш.</p>	2017 йил 1 апрель	<p>А. Алимов, Б. Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари</p>
----	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	----------------------	-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 15 февраль

46-сонли

Б У Й Р У Қ И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2017 ЙИЛ 13 ФЕВРАЛДАГИ 126-Ф-СОНЛИ ФАРМОЙИШИ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 126-Ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 13 февралдаги 126-Ф-сонли фармойиши (бундан буён матнда Фармойиш деб юритилади) раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ таълими тизимидаги муассасаларда 2017 йилда республика миқёсида ўтказиладиган илмий анжуманлар режаси 1-иловага, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги олий таълим, илмий-тадқиқот ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасига киритилган анжуманлар рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори (Н.Тайлақов), мазкур буйруқнинг иловаларига мувофиқ анжуман ўтказиладиган халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, давлат педагогика институтлари ректорларига:

анжуманларда тегишлилиги бўйича профессор-ўқитувчилар, тингловчилар, талабаларнинг муҳим илмий ва техникавий муаммоларни ҳал этишга ҳамда илмий-ижодий ҳамкорликка қаратилган мавзулардаги маъруза ва мақолалари билан фаол иштирок этишларини таъминлаш;

бир ҳафта муддатда анжуманларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан ҳар бир анжуман бўйича алоҳида батафсил чора-тадбирларни белгилаш ҳамда вазирликка тақдим этиш;

анжуманларни ўтказиш учун зарур маблағлар ажратилишини назарда тутиш ва уларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сарфланишини таъминлаш;

анжуманларнинг пухта тайёргарлик асосида, белгиланган муддатларда, юқори илмий ва ташкилий савияда ўтказилишини таъминлаш;

анжуманлар ўтказилгандан сўнг улар ҳақидаги ҳисоботлар ва қабул қилинган тавсияномаларни 3 кун муддатда вазирликнинг Педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлимига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Педагог кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ҳамда илмий-тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими (К. Гафуров)га:

мазкур буйруқнинг иловаларида келтирилган режалар асосида анжуманларни ташкил этилиши ва ўтказилиши билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштириш ва қатъий назоратга олиш;

1-иловадаги анжуманлар ўтказилгандан сўнг улар ҳақидаги ҳисоботлар ва анжуманларда қабул қилинган тавсияномаларни ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирлигининг
2017 йил 15 февралдаги 46-сонли
буйруғига 1-илова

**Халқ таълими тизимидаги муассасаларда 2017 йилда республика миқёсида ўтказилadиган
илмий анжуманлар режаси**

т/р	Мавзулар номи	Масъул ташкилотлар	Ўтказиш жойи ва мuddати	Иштирокчилар сони	Вазирликнинг масъул бошқармалари
Таълим-тарбия жараёнлари					
1	Ўқув жараёнига замонавий инновацион технологияларни жорий этиш: муаммо ва ечимлар	Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти	Тошкент ш. 2017 йил 14-15 апрель	200	ТМЎТЖРББ, ТМФТЭББ
2	Халқ таълими тизимидаги "Маҳорат мактаблари" фаолиятини ташкил қилишнинг илмий-назарий ва методологик асослари	Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти	Тошкент ш. 2017 йил 21-22 апрель	200	ТМЎТЖРББ
3	Умумтаълим мактаблари таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг долзарб муаммолари ва ечимлари	Навоий вилояти ХТХҚТМОИ	Навоий ш. 2017 йил 21 апрель	150	ТМЎТЖРББ, ТМФТЭББ

4	Илмий-педагогик ва ўқув-методик нашрлар орқали информатсион таълимларга қарши курашиш: Профилактика, технология ва механизм.	Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти	Тошкент ш. 2017 йил 15 июнь	200	МАТБ, ТМУТЖРББ
5	Мактабгача таълим муассасаларида таълим жараёнининг сифати ва самарадорлигини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар	Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти	Тошкент ш. 2017 йил 15 сентябрь	200	ТМФТЭББ
6	Малака ошириш тизимида бошланғич таълим фанларини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш: муаммо ва ечимлар.	Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти	Тошкент ш. 2017 йил 17 октябрь	150	ТМФТЭББ, ТМУТЖРББ
7	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари	Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти	Тошкент ш. 2017 йил 20 октябрь	200	ТМФТЭББ, ТМУТЖРББ

Халқ таълими вазирлигининг
2017 йил 15 февралдаги 46-сонли
буйруғига 2-илова

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидати олий таълим,
илмий-тадқиқот ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш
муассасаларининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасига
киритилган республика миқёсидаги анжуманлар рўйхати

т/р	Мавзулар номи	Масъул ташкилотлар	Ўтказиш жойи ва муддати	Иштирокчилар сони	Вазирлиқнинг масъул бошқармалари	Асос
1	Одоб-ахлоқ маънавиятнинг ўзаги	Нукус ДПИ	Нукус ш. 2017 йил март	150	ТМФТЭББ	Нукус ДПИнинг 2017 йил иш режаси
2	Ижтимоий фанлар ўқитувчилари Республика форуми	Республика таълим маркази, ЎзФТИ	Тошкент ш. 2017 йил март	200	ТМУТЖРББ, ТМФТЭББ	Вазирлиқнинг 2017 йил иш режаси
3	Ҳозирги замон педагогика ва психология фанининг долзарб масалалари	Нукус ДПИ	Нукус ш. 2017 йил март	150	ТМФТЭББ	Нукус ДПИнинг 2017 йил иш режаси
4	Ўзбекистон олий таълими юксалиш йўлида	Кўкон ДПИ	Кўкон ш. 2017 йил март	200	ТМФТЭББ	Кўкон ДПИнинг 2017 йил иш режаси

5	Хозирги замон аниқ ва техник фанлар муаммолари ва уларнинг ечимлари	Нукус ДПИ	Нукус ш. 2017 йил апрель	150	ТМФТЭББ	Нукус ДПИнинг 2017 йил иш режаси
6	Чет тилларини ўқитишда ўқув адабиётлари модернизацияси масалалари	Нукус ДПИ	Нукус ш. 2017 йил апрель	150	ТМФТЭББ	Нукус ДПИнинг 2017 йил иш режаси
7	Ўзлуksиз таълим тизимда хорижий тилларни ўқитиш тажрибаси ва истиқболлари	Навоий ДПИ	Навоий ш. 2017 йил апрель	100	ТМФТЭББ, ТМУТЖРББ	Навоий ДПИнинг 2017 йил иш режаси
8	Ижтимоий фанларни ўқитишнинг долзарб масалалари: муаммолар, ечимлар ва истиқболдаги режалар	Самарқанд вилояти ХТХҚТМОИ	Самарқанд ш. 2017 йил апрель	150	ТМФТЭББ	Самарқанд вилояти ХТХҚТМОИнинг 2017 йил иш режаси
9	Географиянинг минтақавий муаммолари	Жиззах ДПИ	Жиззах ш. 2017 йил апрель	150	ТМФТЭББ	Жиззах ДПИнинг 2017 йил иш режаси
10	Ўзбек филологиясининг илмий-назарий масалалари ва ўқитиш технологиялари	Нукус ДПИ	Нукус ш. 2017 йил май	150	ТМФТЭББ	Нукус ДПИнинг 2017 йил иш режаси
11	Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини – инсон манфаатларига мувофиқ такомиллаштириш	Қашқадарё вилояти ХТХҚТМОИ	Қашқадарё ш. 2017 йил май	150	ТМФТЭББ	Қашқадарё вилояти ХТХҚТМОИнинг 2017 йил иш режаси

12	Тил ўрганишда таълим технологияларини ривожлантириш омиллари	Тошкент вилояти ХТХҚТМОИ	Тошкент ш. 2017 йил май	150	ТМФТЭББ	Тошкент вилояти ХТХҚТМОИнинг 2017 йил иш режаси
13	Умумтаълим фанлари бўйича синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия самарадорлигини ошириш: муаммо ва ечимлар	Наманган вилояти ХТХҚТМОИ	Наманган ш. 2017 йил июнь	150	ТМФТЭББ	Наманган вилояти ХТХҚТМОИнинг 2017 йил иш режаси
14	Амалий фанлар ўқитувчилари Республика форуми	Республика таълим маркази, ЎзФФТИ	Тошкент ш. 2017 йил июль	200	ТМУТЖРББ, ТМФТЭББ	Вазирликнинг 2017 йил иш режаси
15	Глобаллашув шароитида ижтимоий фаол ва ғоявий баркамол авлодни тарбиялаш: муаммо ва ечимлар	Қўқон ДПИ	Қўқон ш. 2017 йил сентябрь	200	ТМФТЭББ	Қўқон ДПИнинг 2017 йил иш режаси
16	Мактабгача таълимда болаларни ҳар томонлама интеллектual, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантиришнинг долзарб масалалари	МТМХҚТМОРЎММ	Тошкент ш. 2017 йил октябрь	200	ТМФТЭББ	Вазирликнинг 2017 йил иш режаси
17	Тил ва адабиёт фанини ўқитишнинг оптималлаштириш масалалари	Анджон вилояти ХТХҚТМОИ	Анджон ш. 2017 йил октябрь	150	ТМФТЭББ	Анджон вилояти ХТХҚТМОИнинг 2017 йил иш режаси

18	Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълими сифати ва самарадорлигини таъминлашнинг долзарб масалалари	А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ	Тошкент ш. 2017 йил октябрь	200	ТМФТЭББ, ТМУТЖРББ	Вазирликнинг 2017 йил иш режаси
19	Чет тили ва филология фанлари ўқитувчилари Республика форуми	Республика таълим маркази, ЎзФФИТИ	Тошкент ш. 2017 йил ноябрь	200	ТМУТЖРББ, ТМФТЭББ	Вазирликнинг 2017 йил иш режаси
20	Табиий фанларни ўқитиш ва тадқиқ қилиш масалалари	Нукус ДПИ	Нукус ш. 2017 йил ноябрь	150	ТМФТЭББ	Нукус ДПИнинг 2017 йил иш режаси
21	Ўзлуksиз таълим тизимида филология фанларини мазмунан модернизациялаш ҳамда ўқитиш сифат-самарадорлигига эришиш технологиялари	Самарқанд вилояти ХТХҚТМОМИ	Самарқанд ш. 2017 йил ноябрь	150	ТМФТЭББ	Самарқанд вилояти ХТХҚТМОИнинг 2017 йил иш режаси
22	Таълимда инновациялар, инвестициялар ва интеллектуал салоҳият: муаммолар, таҳлиллар ва истиқболлар	Навоий вилояти ХТХҚТМОМИ	Навоий ш. 2017 йил ноябрь	150	ТМФТЭББ	Навоий вилояти ХТХҚТМОИнинг 2017 йил иш режаси
23	Малака ошириш тизимида инновацион технологияларнинг жорий этилиши: тадқиқотлар, муаммо ва ечимлар	Жиззах вилояти ХТХҚТМОМИ	Жиззах ш. 2017 йил ноябрь	150	ТМФТЭББ	Жиззах вилояти ХТХҚТМОИнинг 2017 йил иш режаси
24	Жанубий Орол бўйининг археологияси, этнографияси, тарих ва тарихшуносликнинг долзарб масалалари	Нукус ДПИ	Нукус ш. 2017 йил декабрь	150	ТМФТЭББ	Нукус ДПИнинг 2017 йил иш режаси

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 16 февраль

47-сонли

Б У Й Р У Ғ И

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА РАСМИЙ ОГОҲЛАНТИРИШНИ
ЧИҚАРИШ ВАКОЛАТИГА ЭГА МАНСАБДОР ШАХСЛАР
РЎЙХАТИНИ ВА РАСМИЙ ОГОҲЛАНТИРИШ ШАКЛИНИ
ТЎЛДИРИШ НАМУНАСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон “Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ҳамда ушбу қарорни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2017 йил 10 февралда (12/1-637– сон; 13.02.2017 й.) тасдиқланган чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан 2017 йил 10 февралда (12/1-637-сон; 13.02.2017 й.) тасдиқланган чора-тадбирлар режаси раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи Халқ таълими вазирлиги, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг расмий огоҳлантиришни чиқариш ваколатига эга мансабдор шахслари рўйхати 1-иловага мувофиқ;

расмий огоҳлантириш шаклини тўлдириш намунаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Ҳ.Даминов) ва бош юрисконсулт (С.Миразимов)га:

бир ой муддатда Халқ таълими вазирлиги тизимида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ишлаб чиқиш ва Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқлашга киритиш;

икки ой муддатда вазирлик марказий аппарати ходимлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон қарорининг мазмун-моҳияти, талаблари, расмий огоҳлантириш шаклини тўлдириш ва чиқариш тартибини тушунтириш бўйича семинар ташкил этиш;

амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотларни Ички ишлар вазирлигига киритиш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт (марказ)лари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига:

расмий огоҳлантириш чиқаришни Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шакли ҳамда расмий огоҳлантиришни чиқариш тартиби тўғрисидаги низом талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширишни таъминлаш;

икки ой муддатда ички ишлар ходимларини таклиф этган ҳолда тизим ходимларига Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон қарорининг мазмун-моҳияти, расмий огоҳлантириш шаклини тўлдириш ва чиқариш тартибини тушунтириш бўйича семинар ўтказиш;

тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда расмий огоҳлантириш бланкаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаб, вазирликнинг Кадрлар бошқармасига таклиф киритиб бориш вазифалари топширилсин.

5. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев)га:

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт (марказ)лари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасаларининг расмий огоҳлантириш бланкаларига бўлган ҳар йилги эҳтиёжини аниқлаш;

расмий огоҳлантириш бланкаларини харид қилиш бўйича таклиф тайёрлаш;

расмий огоҳлантириш бланкаларини тарқатиш вазифалари юклатилсин.

6. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев) томонидан тақдим этилган эҳтиёжга кўра расмий огоҳлантириш бланкаларини марказлаштирилган ҳолда харид қилиш чораларини кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, расмий огоҳлантиришни беришда ўрнатилган тартибдан четга чиқиш ҳолатларига йўл қўйган раҳбарларга нисбатан қатъий интизомий жазо чоралари қўлланилади.

8. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров ва вазир ўринбосари Д.Кенжаевлар зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 16 февралдаги
47-сонли буйруғига
1-илова*

**Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга
оширувчи Халқ таълими вазирлиги, унинг тасарруфидаги
ташкилот ва муассасаларнинг расмий огоҳлантиришни
чиқариш ваколатига эга мансабдор шахслари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппарати бўйича:

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар бўйича:

Республика таълим маркази директори;

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис республика маркази директори;

Т.Н.Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори;

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти ректори;

худудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ректори;

Мақтабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Республика ўқув-методика маркази директори;

Жиззах, Навоий, Нукус ва Қўқон давлат педагогика институтлари ректорлари;

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори;

Аниқ фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори;

Филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори;

Хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори;

Профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби директори;

“Баркамол авлод” Республика болалар техник ижодиёт маркази директори;

“Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази директори;

“Баркамол авлод” Республика болалар ўлкашунослик ва экология маркази директори;

Республика ўқувчи-ёшлар маркази директори;

Республика педагогика кутубхонаси директори;

Республика болалар кутубхонаси директори;

Республика “Меҳрибонлик” уйлари соғломлаштириш оромгоҳи директори;

А.П.Хлебушкина номидаги 22-сон Меҳрибонлик уйи директори;

“Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” республика газеталари таҳририяти бош муҳаррири;

“Халқ таълими” журнали таҳририяти бош муҳаррири;

“Бошланғич таълим” журнали таҳририяти бош муҳаррири;

“Тил ва адабиёт таълими. Преподавание языка и литературы. Language and literature teaching” журнали таҳририяти бош муҳаррири;

“Ўқув таълим-таъминот” давлат унитар корхонаси раҳбари.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бўйича:

Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири;

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи;

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

4. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари бўйича:

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудир.

5. Умумий ўрта таълим муассасалари бўйича:

умумий ўрта таълим муассасаси директори.

6. Мактабдан ташқари таълим муассасалари бўйича:

“Баркамол авлод” болалар маркази директори.

7. Мактабгача таълим муассасалари бўйича:

мактабгача таълим муассасаси мудир(ас)и.

Халқ таълими вазирлигининг 2017 йил 16 февралдаги
47-сонли буйруғига 2-илова

Расмий огоҳлантириш шаклини тўлдирish НАМУНАСИ (Шаклнинг олд томони)

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги _____ -сонли умумий ўрта таълим мактаби
(ХУКУКУБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРГАН ЕКИ МУАССАСА НОМИ)

РАСМИЙ ОГОҲЛАНТИРИШИ

AA 0000001
(серияси)

Фуқаро _____ Солцев Тўлқинбек Болширович _____
(расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф. И. О. кўрсатилади)

“Хукукубузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 31-моддасига мувофиқ:
Сизга иш жойи (умумий ўрта таълим мактаби)да алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилишни
(буён қўйилган гайриқонуний ҳуқуқ атоқор баён қилинади)

Сизни _____ келгусида давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида тушунтираман.
_____ иш жойи (умумий ўрта таълим мактаби)да алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилганлик
(соғир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик баён этилади)

_____ учун
Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 187 -моддасига асосан
(қонун (кодекс) номи) _____ (модда рақами)

_____ энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдориди жарима
(қонунчилиқда назарда тутилган жавобгарлик чоралари (санкциялар) кўрсатилади)

_____ маъмурий _____ жавобгарлик ҳақида огоҳлантираман.
_____ шаклидаги жазо қўлланган ҳолда

(жавобгарлик тури кўрсатилади)

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги ...-сонли умумий

_____ ўрта таълим мактаби директори Валиев Бекзоод Шавкатович _____

(расмий огоҳлантириш чиқарган мансабдор шахснинг лавозими ва Ф. И. О.)

Расмий огоҳлантириш эълон қилинган сана: 20 17 й. 16 февраль _____
(кун) (ой)

В. Валиев _____
(имзо)

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги _____ -сонли умумий ўрта таълим мактаби
(ХУКУБЎЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРУВЧИ ОРТАН ЕКИ МУАССАСА НОМИ)
РАСМИЙ ОГОХЛАНТИРИШ

AA 0000001
(серияси)

Мен Тошкент вилояти Қибрай туманидаги _____ -сонли мактаб директори Валиев Бекзод Шавкатович, томонимдан
(расмий огоҳлантириш чиқарган мансабдор шахснинг исми ва Ф.И.О.)

фуқаро _____ Солиев Тўлқинбек Ботирович _____ га,
(расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф.И.О. кўрсатилади)

1982 йил 3 апрел да _____ да
(кун) (ой) Тошкент вилояти, Қибрай тумани

тутилган, _____ манзилида яшайди,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Барақа 1-тор кўчаси, 1-уй _____ томонидан берилган,
шахснинг тасдиқловчи ҳужжат AA 1234567 2016 йил 12 январда Қибрай тумани ИИБ _____

иш (ўқиш) жойи, _____ (кел ва қачон) _____
Тошкент вилояти Қибрай туманидаги _____ -сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси
кегусида иш жойи (умумий ўрта таълим мактаби)да алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилишни
(бул қўйилган айричиқимоний ҳуқуқ аъвор баён қилинади)

_____ давом эттиришга йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида тушунтириш берилди,
иш жойи (умумий ўрта таълим мактаби)да алкоголь маҳсулотларини истеъмол қилганлик учун
(соғир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган ҳуқуқбузарлик баён этилади)

_____ Ўзбекистон Республикаси Мамурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 187 -моддасига асосан
(қонун (кодекс) номи) _____
(модда рақами)

_____ энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдориди жарима
(қонунчиликда назарда тутилган жавобгарлик чоралари (санкциялар) кўрсатилади)

_____ шақлидаги жазо қўлланган ҳолда
маммурий _____ жавобгарлик ҳақида огоҳлантирилди. _____ Солиев Тўлқинбек Ботирович Т.С.В.И.Й.
(расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф.И.О ва илмюси)

Расмий огоҳлантириш эълон қилинган сана: 20 17 й. 16 февраль Валиев Бекзод Шавкатович В.В.И.Й.
(кун) (ой) _____ (мансабдор шахснинг Ф. И. О.) _____
(илмю)

(Шаклнинг орқа томони)

Общеобразовательная школа № ... Кибрайского района Ташкентской области
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГАНА ИЛИ УЧРЕЖДЕНИЯ, НЕПОСРЕДСТВЕННО ОСУЩЕСТВЛЯЮЩЕГО ПРОФИЛАКТИКУ ПРАВОНАРУШЕНИЙ)

ОФИЦИАЛЬНОЕ ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ

AA 0000001

(серия)

Гражданин (ка) Солиев Тулқинбек Ботирович /

(указывается Ф. И. О. официально предпринятого лица)

В соответствии со статьей 31 Закона Республики Узбекистан «О профилактике правонарушений»:

Разъясняю Вам о недопустимости продолжения в дальнейшем на рабочем месте (общеобразовательная школа) употребление алкогольной продукции

(излагается допущенное антисоциальное поведение)

Предупреждаю Вас об административной ответственности с применением взыскания

(указывается вид ответственности)

(наказания) в виде штрафа в сумме одной второй минимального размера заработной платы

(указываются меры ответственности (санкции) предусмотренные законодательством)

согласно статье 187

(номер статьи)

Кодекса Республики Узбекистан об административном ответственности за употребление

(наименование закона (кодекса))

алкогольной продукции на рабочих местах (общеобразовательные школы)

(излагается правонарушение, за совершение которого предусмотрена ответственность)

Директор общеобразовательной школы № Кибрайского районаТашкентской области Валиев Бекзод Шавкатович

(должность и Ф.И.О. лица, вынесшего официальное предупреждение)

Дата объявления официального предупреждения: 16 февраля 2017 г.

(день) (месяц)

В. Валиев

(подпись)

Общественная школа №... Кибрайского района Ташкентской области
(НАИМЕНОВАНИЕ ОРГАНА ИЛИ УЧРЕЖДЕНИЯ, НЕПОСРЕДСТВЕННО ОСУЩЕСТВЛЯЮЩЕГО ПРОФИЛАКТИКУ ПРАВОНАРУШЕНИИ)
ОФИЦИАЛЬНО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ

AA 0000001
(серия)

Мною, директором общеобразовательной школы №... Кибрайского района Ташкентской области Валлиевым _____
(должность и Ф.И.О. лица, вынесшего официальное предупреждение)

гражданину/гражданке/ _____
(Ф.И.О. официально предупрежденного лица)

Родившемуся (родившейся) 3 апреля 19 82 г. в _____ Кибрайском районе Ташкентской области
(день (месяц) (место рождения))

проживающему(ей) по адресу _____ Ташкентская область, Кибрайский район, ул. Барака, 1-проезд, дом №1

документ, удостоверяющий личность _____ АА 1234567 выдан _____ ОВД Кибрайского района 12 января 2016 году
(серия) (номер) (зем и год)

место (учебы) работы, общеобразовательная школа №... Кибрайского района Ташкентской области
разъяснено о недопустимости продолжения им (ей) _____ употребления алкогольной продукции
(указывается вид ответственности) (указывается документное антиципиальное поведение)

вынесено предупреждение об административной ответственности с применением взыскания (наказания) в виде, _____
(указывается вид ответственности) (указывается мера ответственности (санкции), предусмотренные законодательством)

_____ согласно статье 187 Кодекса Республики Узбекистан об административной ответственности
(номер статьи) (наименование закона (кодекса))

за _____ употребление алкогольной продукции на рабочих местах (общественнообразовательная школа)
(указывается правонарушение, за совершение которого предусмотрено ответственность)

Солтiev Тулкинбек Ботирович T.Soliev
(Ф.И.О. и подпись официально предупрежденного лица)

Дата объявления официального предупреждения: 16 февраля 20 17 г. Валлиев Бекзод Шавкатович B.Valiev
(день) (месяц) (Ф.И.О. должностного лица) (подпись)

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 20 февраль

56-сонли

Б У Й Р У Қ И**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА “ОТА-
ОНАЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ХОНАСИ”НИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да таълим муассасалари билан ота-оналарнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг янги самарали механизмлари ва усулларини жорий этиш, ота-оналар билан таълим тизимига оид муаммоларни жойида ҳал этиш, бу борада аҳоли билан яқиндан доимий мулоқотни тизимли ташкил қилиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб барча умумий ўрта таълим муассасаларида “Ота-оналар билан мулоқот хонаси” ташкил этилсин.

2. Умумий ўрта таълим муассасаларида “Ота-оналар билан мулоқот хонаси”ни ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш бўйича тавсиялар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирларига:

бир ҳафта муддатда барча умумий ўрта таълим муассасаларида фуқароларни қабул қилиш учун қулай бўлган жойда “Ота-оналар билан мулоқот хонаси”ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини йўлга қўйиш;

“Ота-оналар билан мулоқот хонаси” фаолияти юзасидан ота-оналар ўртасида тарғибот ишларини олиб бориш;

ҳар ойда камида бир марта умумий ўрта таълим муассасалари ҳузуридаги “Оила-махалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги Жамо-

ат кенгаши аъзолари иштирокида “Ота-оналар билан мулоқот” кунларини ташкил этиш;

ота-оналар билан доимий мулоқот қилишни ташкил этиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш чораларини кўриб бориш;

ота-оналарни умумий ўрта таълим муассасаси фаолиятига доир ҳужжатлар, муассасанинг устави, ички тартиб қондаси, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг одоб-ахлоқ қоидалари билан мунтазам таништириб бориш;

ҳар ой якунларида ота-оналар билан мулоқотлар натижаларини умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирлари ҳузуридаги йиғилишларда муҳокама қилиб бориш;

“Ота-оналар билан мулоқот хонаси”ни энг намунали тарзда ташкил этган таълим муассасалари раҳбарларини рағбатлантириб бориш чораларини кўриш;

ўқувчиларнинг оилаларида яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишиш мақсадида синф раҳбарлари томонидан уларнинг уйларига режа асосида ташрифларини йўлга қўйиш;

ҳар ой якунида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботларни вазирликнинг Назорат ва таҳлил бошқармасига киритиб бориш вазифалари юклатилсин.

4. Умумий ўрта таълим муассасаларида “Ота-оналар билан мулоқот хонаси”нинг ташкил этилиши ва уларнинг тўлақонли фаолият юритилишига Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаси бошлиқлари ҳамда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари мудирлари шахсан масъул эканликлари белгилаб қўйилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 20 февралдаги 56-сонли буйруғига илова*

**Умумий ўрта таълим муассасаларида
“Ота-оналар билан мулоқот хонаси”ни ташкил этиш ва
фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ТАВСИЯЛАР**

1. “Ота-оналар билан мулоқот хонаси” (кейинги ўринларда мулоқот хонаси деб юритилади) барча умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этилади.

2. Мулоқот хонаси муассасадаги шароитдан келиб чиққан ҳолда таълим-тарбия жараёнига халақит бермайдиган ва фуқароларнинг кириш-чиқишига қулай бўлган жойда ташкил этилади.

Мулоқот хонасини ташкил этиш учун муассасада алоҳида хона ажратиш имкони бўлмаган ҳолларда директор, психолог, маънавий ва маърифат ёки бошқа қулай хоналардан фойдаланилади.

3. Мулоқот хонасида ота-оналарни қабул қилиш учун етарли миқдорда стол ва стуллар, мурожаатларни қайд қилиш дафтарини бўлишини таъминлаш.

4. Муассасанинг эълонлар тахтасига таълим муассасасида “Ота-оналар билан мулоқот хонаси” ташкил этилганлиги, унинг қайси хонада жойлашганлигини кўрсатувчи эълон жойлаштирилади.

5. Мулоқот хонаси ташкил этилган хонанинг эшигига “Ота-оналар билан мулоқот хонаси” деган ёзув ва унинг иш вақтлари кўрсатилган жадвал осиб қўйилади.

6. Мулоқот хонасида фуқаролар белгиланган жадвал асосида муассаса раҳбари томонидан шахсан қабул қилинади.

Муассаса раҳбари узрли сабабларга кўра иш жойида бўлмаган ҳолларда унинг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари ёки маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари ота-оналарни қабул қилади.

Мулоқот жараёнига фуқароларнинг мурожаатидаги масалаларининг мазмун моҳиятидан келиб чиқиб, малакали ва тажрибали ўқитувчилар ёки тегишли синф раҳбарлари жалб қилиниши мумкин.

7. Ота-оналарнинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг мурожаатлари таълим муассасаси томонидан саҳифаланган, шнурланган ва муҳрланган “Ота-оналар мурожаатларини қайд этиш дафтари”да қайд этиб борилади. Мурожаатлар дафтари муассасанинг котибаси ёки директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари томонидан жамоатчилик асосида юритилади.

Дафтарнинг намунавий шакли

Т.р	Сана	Фуқаронинг Ф.И.Ш.	Мурожаат мазмуни	Мурожаат натижаси

8. Ташриф буюрган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан меъёрий ҳужжатлар асосида тушунчалар берилади.

9. Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг таълим жараёнига оид мурожаатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолда жойида ҳал этиш чоралари кўрилади.

10. Заруриятга кўра муассаса раҳбарияти мурожаатларни ҳал этиш юзасидан ишчи гуруҳ тузиши мумкин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 1 март

66-сонли

Б У Й Р У Қ И**“ИСЛОМ КАРИМОВ АСАРЛАРИ БИЛИМДОНИ”
РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби, ўзбек халқининг улуғ ва ардоқли фарзанди, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олийжаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ўчмас из қолдирди. Ислом Каримовнинг асарларини умумтаълим муассасаларида ўрганилиши ўқувчиларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ва уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда муҳим омиллардан бири бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов хотирасини абадийлаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2744-сон қарори ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасининг ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида жорий йилнинг март-май ойларида “Ислом Каримов асарлари билимдони” республика кўрик-танлови (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) ўтказилсин.

2. Кўрик-танловни ўтказиш бўйича республика ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, кўрик-танловни ўтказиш тартиби тўғрисида низом 2-иловага, кўрик-танлов ғолибларини тақдирлаш бўйича сарф-харажатлар сметаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика ишчи гуруҳи (И.Зокиров)га:
кўрик-танловнинг худудий босқичларини Низом асосида ўтказишига амалий-услубий ёрдам кўрсатиш;

бир ой муддатда кўрик-танловнинг 2 ва 4-шартлари бўйича республика босқичининг саволларини тайёрлаш ва махфийлигини таъминлаш;

кўрик-танловнинг республика босқичини юқори савияда ташкил этиш;

танловнинг республика босқичида иштирок этувчи ҳакамлар ҳайъати таркибига ҳамкор ташкилотлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ва тажрибали мутахассисларни жалб қилиш;

кўрик-танлов якунлари бўйича таҳлилий ҳисоботни жорий йилнинг 10 май кунига қадар вазирлик раҳбариятига киритиш вазифалари топширилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарларига:

кўрик-танловнинг мазмун-моҳиятини ўқувчилар ўртасида кенг тарғиб қилиш;

методика кабинети мудирлари масъуллигида жойларда кўрик-танловнинг қуйи босқичларини Низом асосида юқори савияда ташкил этиш;

кўрик-танловнинг мактаб босқичида барча 9-синф ўқувчиларининг фаол иштирокини таъминлаш;

кўрик-танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш учун ҳакамлар ҳайъати таркибини тажрибали мутахассислардан шакллантириш ва уларнинг адолатли, ҳолисона фаолият кўрсатишини таъминлаш;

танлов жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёриш чораларини кўриш;

ҳудудий босқич якунлари бўйича ҳужжатларни талаб даражасида расмийлаштириш ва натижаларини Республика ишчи гуруҳига тақдим этиш;

кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этадиган ўқувчилар ва уларга бириктирилган масъул педагог ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаган ҳолда Тошкент шаҳрига келиш-кетишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

5. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) кўрик-танловнинг сарф-харажатлар сметасига мувофиқ тегишли маблағларни Республика таълим марказининг шахсий фазна ҳисоб варағига ўтказиб берсин.

6. Республика таълим маркази (И.Зокиров)га:

мазкур буйруқнинг 3-илоvasи билан тасдиқланган сарф-харажатлар сметаси асосида иштирокчиларнинг сифатли овқатланишини

ва танлов иштирокчиларини рағбатлантириш учун совғалар харид қилиш ишларини ташкил этиш;

тадбир ўтказилганидан сўнг ўн кун муддат ичида вазирликнинг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига маблағларнинг ишлатилиши бўйича ҳисобот топшириш вазифалари юклатилсин.

7. “Баркамол авлод” республика болалар экология ва ўлкашунослик маркази (Л.Ешмурзаева) кўрик-танловнинг республика босқичига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган иштирокчиларни бепул турар жой билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов)га кўрик-танлов жараёнларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

Халқ таълими вазирининг
2017 йил 1 мартдаги 66-сонли буйруғига
1-илова

**“Ислом Каримов асарлари билимдони” республика
қўрик-танловини ўтказиш бўйича Республика ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

И.Зокиров	–	Республика таълим маркази директори, ишчи гуруҳ раиси
Н.Исматова	–	Республика таълим маркази бўлим бошлиғи, ишчи гуруҳ котиби
		Аъзолар:
Ш.Каримов	–	ХТВ Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бош назоратчиси
М.Ибрагимов	–	ХТВ Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бош назоратчиси
Б.Шайвалиев	–	ХТВ Ахборот хизмати раҳбари
Ф.Зарипов	–	Республика таълим маркази бош методисти
Лавозими бўйича	–	Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари ҳузуридаги методика хизмати бошлиқлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари раҳбарлари

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 1 мартдаги 66-сонли буйруғига 2-илова*

**“Ислом Каримов асарлари билимдони”
республика кўрик-танловини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом умумий ўрта таълим муассасалари 9-синф ўқувчилари ўртасида “Ислом Каримов асарлари билимдони” республика кўрик-танловини (кейинги ўринларда кўрик-танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Кўрик-танлов Республика таълим маркази масъуллигида ҳар бир умумий ўрта таълим мактабида метод бирлашма раҳбарлигида, “Тарих”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” туркумига кирувчи фанлар ўқитувчилари томонидан ўтказилади.

2-боб. Кўрик-танловнинг мақсади

3. Кўрик-танловнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов асарларида (“Юсак маънавият енгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” асарлари ҳамда 2014 йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожигадаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги “Аждодларимизнинг бебаҳо мероси – абадиятга дахлдор маънавий хазинадир” номли нутқида) кенг ёритилган миллий анъаналаримиз ва қадриятларимизнинг тикланиши, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши ҳақидаги билимларни ҳамда миллий истиқлол ғояларини ўқувчи-ёшлар онгига синдириш орқали уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ва ҳуқуқий билимларини янада ошириш.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз давлат мустақиллигини қўлга киритиш арафасида ва ундан кейинги йилларда олиб борган сиёсий-ижтимоий фаолияти билан ўқувчиларни кенг таништириш.

3-боб. Кўрик-танловни ташкил этиш тартиби

4. Кўрик-танлов умумий ўрта таълим таълим мактабларининг 9-синф ўқувчилари ўртасида 4 босқичда ўтказилади.

5. Кўрик-танлов босқичлари:

1-босқич – мактаб босқичи: жорий йил **31 мартга қадар** умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилади.

2-босқич – туман (шаҳар) босқичи: жорий йил **15 апрелига қадар** барча мактаблар иштирокида туман (шаҳар) ахборот-ресурс марказларида ўтказилади.

3-босқич – ҳудудий босқич:

жорий йил **1 май кунига қадар**

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар миқёсида ҳудудий ахборот ресурс марказларида ўтказилади.

4-босқич – республика босқичи: жорий йил **12-13 май кунлари** Республика таълим марказида ўтказилади.

6. Кўрик-танловнинг 1-босқичида умумтаълим мактаблари 9-синф ўқувчиларининг барчаси иштирок этиши лозим.

7. Кўрик-танловнинг мактаб босқичида 1-ўринни эгаллаган 1 нафар ўқувчи 2-босқичда иштирок этиш ҳуқуқини, туман (шаҳар) босқичида 1-ўринни эгаллаган 1 нафар ўқувчи 3-босқичда иштирок этиш ҳуқуқини, ҳудудий босқичда 1-ўринни эгаллаган 1 нафар ўқувчи ҳудуд номидан кўрик-танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчилари Тошкент шаҳар босқичида тўғридан-тўғри иштирок этадилар.

8. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича умумий ўрта таълим мактаблари, туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш (ХТМФМТТЭ) бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида ишчи гуруҳлар тузилади.

9. Кўрик-танловнинг 1-босқичини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ташкилий ишлар мактаб директорининг, 2-босқич ташкилий ишлари туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимларининг, 3-босқич ташкилий ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг буйруқлари билан тасдиқланади.

10. Кўрик-танловнинг 1-босқичи якуний натижалари ва 2-босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ўқувчининг ижодий ишлари ҳамда ҳакамлар ҳайъати йиғилиши қарори мактаб ишчи гуруҳи

томонидан танловдан сўнг уч кун ичида туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимларида тузилган ишчи гуруҳга тақдим этилади.

11. Кўрик-танловнинг 2-босқичи якуний натижалари ва 3-босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган ўқувчининг ижодий ишлари ҳамда ҳакамлар ҳайъати йиғилиши қарори туман (шаҳар) ишчи гуруҳи томонидан танловдан сўнг уч кун ичида Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида тузилган ишчи гуруҳга тақдим этилади.

12. Кўрик-танловнинг 3-босқичида 1-ўринни эгаллаган ўқувчининг ҳужжатлари ҳудудий ишчи гуруҳ томонидан танловдан сўнг беш кун ичида Республика ишчи гуруҳига тақдим этилади.

4-боб. Кўрик-танлов шартлари ва баҳолаш мезони

13. Кўрик-танловнинг барча босқичлари жами 50 баллик тизимда куйидаги шартлар асосида ташкил этилади:

1-шарт: Ижодий иш (реферат)лар ҳимояси.

2-шарт: Ислом Каримов асарлари мазмун-моҳиятига оид 3 та саволга жавоб бериш.

3-шарт: Ўзбек шоирларининг “Мустақиллик”, “Ватан” ҳақида ёзган шеърларидан бирини ёддан ёки ифодали ўқиб бериш.

4-шарт: Мамлакатимизнинг мустақиллик йилларида ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда эришган ютуқлари асосида тузилган 20 та тест саволларига жавоб бериш.

14. Кўрик-танловнинг 2-шарти саволлари ва 4-шарти тестлари:

мактаб босқичи учун – мактабнинг “Тарих”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” туркумига кирувчи фанлар ўқитувчилари томонидан;

туман (шаҳар) босқичи учун – туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлимларининг “Тарих”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” туркумига кирувчи фанлар услубчилари томонидан;

ҳудудий босқичи учун – Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг методика марказлари томонидан;

республика босқичи учун – Республика таълим маркази томонидан тузилади ва махфийлиги таъминланади (алоҳида-алоҳида конвертларда муҳрланади).

15. Кўрик-танловнинг 1-шарти бўйича иштирокчилар тақдим этган ижодий иш (реферат)лар ҳакамлар ҳайъати томонидан танлов бошлангунга қадар кўриб чиқилади.

Ижодий иш “Times New Roman” 14 шрифтида, қаторлар оралиғи 1 интервалда ва 4 бетдан кам бўлмаслиги лозим.

Кўрик-танлов иштирокчилари ўз ижодий ишларини ҳакамлар ҳайъати олдида 3-5 дақиқа ичида ҳимоя қиладилар. Ушбу шарт 10 баллик тизимда баҳоланади.

Ахборот-коммуникация технологияларидан ва электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш жараёнида ўқувчига ассистент ёрдам бериши мумкин.

16. Кўрик-танловнинг 2-шарти бўйича иштирокчилар берилган 3 та саволга жавоб берадилар. Ушбу шарт жами 15 баллгача (битта савол 5 баллгача) баҳоланади.

17. Кўрик-танловнинг 3-шарти бўйича ҳар бир иштирокчининг шеърни ёддан ёки ифодали ўқиб бериши 5 баллик тизимда баҳоланади.

18. Кўрик-танловнинг 4-шарти бўйича иштирокчилар 20 та тест саволларига жавоб берадилар. Шартни бажариш учун жами 20 дақиқа вақт берилади ҳамда жами 20 баллгача (битта тўғри жавобга 1 балл) баҳоланади.

19. Барча босқичларда ҳакамлар ҳайъати томонидан ўқувчиларнинг рефератларига тақриз ёзилиши, қайдномалар (барча шартлар бўйича) тўлдирилиши, танлов якуни бўйича баённомалар тузилиши лозим.

20. Кўрик-танловнинг 2-, 4-шартлари бўйича олдиндан алоҳида алоҳида конвертларда муҳрланган саволлар ҳакамлар ҳайъати томонидан барча иштирокчилар гувоҳлигида очилади. Иштирокчилар ҳар бир шарт бўйича саволларни танлаб оладилар ва жавоб берадилар.

21. Кўрик-танловнинг мактаб босқичи ғолиблари умумий ўрта таълим мактабларида “Эрталабки сафланиш”ларда эълон қилинади ҳамда мактаб раҳбарияти томонидан фахрий ёрлик ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

22. Кўрик-танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларида ғолиб бўлган иштирокчилар жойлардаги тегишли халқ таълими бошқарув органлари томонидан эсдалик совғалар ва дипломлар билан тақдирланади.

23. Кўрик-танловнинг республика босқичи ғолиблари Халқ таълими вазирлигининг дипломлари ҳамда қуйидаги тартибда ўринлар бўйича эсдалик совғалар билан тақдирланадилар:

1 та – I ўрин;

1 та – II ўрин;

1 та – III ўрин;

11 та рағбатлантирувчи соврин.

Шунингдек, кўрик-танловнинг барча босқичларида ғолибларни ҳамкор ташкилотлар ҳам эсдалик совғалар билан тақдирлашлари мумкин.

6-боб. Якуний қоидалар

24. Кўрик-танловда ғолиб бўлган ўқувчиларнинг ижодий ишлари иштирокчига қайтарилмайди.

25. Худудлардан масъул ходим (ўқитувчи) ва иштирокчиларнинг Тошкент шаҳрига келиш-кеетиши билан боғлиқ сарф-харажатлар хизмат сафарига юбораётган ҳудудий халқ таълими бошқармалари ҳамда таълим муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан ўрнатилган тартибда қопланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

2017 йил 1 март

67-сонли

Б У Й Р У Қ И

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ҲОВЛИСИНИ, БИНО ЙЎЛАКЛАРИ ҲАМДА СИНФ ХОНАЛАРИНИ БАННЕР ВА СТЕНДЛАР БИЛАН ЖИҲОЗЛАШНИНГ НАМУНА- ВИЙ ТАЛАБЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг жорий йил 20–21 январь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис баёнига мувофиқ халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг ҳовлисини, бино йўлаклари ҳамда синф хоналарини баннер ва стендлар билан жиҳозлаш бўйича ягона ёндашувни жорий қилиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларининг ҳовлисини, бино йўлаклари ва синф хоналарини баннер ва стендлар билан жиҳозлашнинг намунавий талаблари (кейинги ўринларда намунавий талаблар деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Вахобов), Назорат ва таҳлил бошқармаси (К.Инаков) Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров) билан биргаликда икки ҳафта муддатда намунавий талабларнинг электрон версиясини компакт дискларга қайд қилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига, барча халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига етказилишини ташкил этсин.

Намунавий талабларнинг электрон версиясини компакт (CD-R) дискларга қайд қилиш ва етарли нусхада кўпайтириш билан боғлиқ

харажатлар Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қоплансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига:

намунавий талабларни тизимдаги барча умумий ўрта таълим муассасаларига етказиш;

умумий ўрта таълим муассасаларининг мазкур намунавий талаблар асосида жиҳозланишини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

4. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев) ҳудудларга бириктирилган вазирлик ходимлари билан биргаликда таълим муассасаларининг тасдиқланган намунавий талаблар асосида жиҳозланишини назорат қилиш чораларини кўрсин.

5. Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Вахобов), Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) га намунавий талабларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш, уларнинг таълим-тарбия жараёнини сифатли ташкил этишдаги аҳамиятини “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари орқали кенг тарғиб қилиш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров ва вазир ўринбосари Д.Кенжаевлар зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 3 март

74-сонли

Б У Й Р У Қ И

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА
ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ ЙЎРИҚНОМАНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон “Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликнинг бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика институтлари ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институт (марказ)лари ректор (директор)лари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари ва муассасалари раҳбарларига ушбу буйруқ билан тасдиқланган йўриқнома талабларини ўз вақтида ва сифатли бажариш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров ва вазир ўринбосари Д.Кенжаевлар зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 3 мартдаги 74-сон буйруғига
ИЛОВА*

Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги ЙЎРИҚНОМА

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 февралдаги 60-сон “Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг мансабдор шахслари томонидан чиқариладиган расмий огоҳлантириш шаклини ҳамда уни чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, вазирлик тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари, умумий ўрта таълим муассасалари (бундан буён матнда вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар деб юритилади) мансабдор шахслари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг расмий огоҳлантиришни чиқариш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, таълим бериш жараёнида халқ таълими тизимида таълим олувчиларнинг қонун ҳужжатлари билан таъминланадиган хуқуқ ва эркинликларининг бузилиши ҳақидаги тўпланган маълумотлар, тарбияланувчи, ўқувчи ва талабаларнинг ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда қолганлиги ҳақидаги хабарлар ҳамда улар билан суҳбат ўтказиш ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа йўллар билан хуқуқбузарликлар фактлари аниқланади.

2. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарияти томонидан хуқуқбузарликлар фактлари аниқланган

тақдирда жойлашган жойдаги ички ишлар органларига дарҳол хабар қилиниши шарт.

2-боб. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг мақсади ва вазифалари

3. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг мақсади халқ таълими муассасаларида таълим олувчилар ва халқ таълими тизимида фаолият юритувчи ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш чораларини кўришдан иборатдир.

4. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

халқ таълими муассасаларида жамоат тартибini сақлаш ҳамда тарбияланувчи, ўқувчи, талаба ва ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаш юзасидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланган ва жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни аниқлаш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитация қилиниши ва ижтимоий мослаштирилишига кўмаклашиш;

халқ таълими муассасаларида таълим олувчилар ва халқ таълими тизимида фаолият юритувчи ходимларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишда уларни ҳуқуқбузарликларнинг турлари, содир этилиш усуллари ва воситалари, ижтимоий хавфи ва бошқалар ҳақида огоҳ этиш;

таълим олувчилар ва ходимларда ғайриижтимоий хулқ-атвор ва ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги ҳиссини уйғотиш борасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасалар томонидан ташкил этиладиган махсус профилактик тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

диний экстремизм, терроризм ва гиёҳвандлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш;

илгари судланган шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориш ҳамда такроран ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сон қарорига мувофиқ “Оила-махалла-таълим муассасаси” жамоат кенгаши аъзолари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

халқ таълими бошқарув органларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлилини олиб боришдан иборат.

3-боб. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги ваколатлари

5. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги ваколатлари қуйидагилардан иборат:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;

таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

таълим олувчилар, уларнинг ота-онаси ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

таълим олувчиларда қонунга итоаткорлик ҳуқ-атворини шакллантиришга, уларга жамиятда қабул қилинган ҳуқ-атвор нормалари ва қоидаларини сингдиришга йўналтирилган дастурлар ҳамда услубларни ишлаб чиқиш ва уларни таълим муассасаларининг иш амалиётига жорий этиш;

таълим олувчилар орасида ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини кўриш;

таълим олувчиларнинг бандлигини ва бўш вақти мазмунли ўтказилишини таъминлаш мақсадида таълим муассасаларида спорт секциялари, фан тўгаракларини ташкил этиш ҳамда таълим олувчиларни уларга қатнашишга жалб этиш;

ривожланишида ёки хулқ-атворида нуқсони ёхуд ўқишида муаммолари бўлган вояга етмаганларга ижтимоий-психологик ҳамда педагогик ёрдам кўрсатиш;

ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш.

4-боб. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб бориш тартиби

6. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, яқка тартибдаги ҳамда виктимологик профилактикалари амалга оширилади.

7. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг фаолиятidir.

8. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини олиб боришда қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

таълим олувчилар ўртасидаги ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш;

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш;

ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли ташкилот ва муассасаларга тақдимномалар киритиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

9. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини амалга ошириш юзасидан дастур тасдиқланганда вазирликда унинг ижросини таъминлаш мақсадида назорат режа ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Мазкур назорат режа вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларга ижро учун юборилади. Ушбу назорат режа асосида жойларда ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

10. Ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш учун ишчи гуруҳлар ташкил этилиши мумкин. Ишчи гуруҳлар ҳудудий дастурда белги-

ланган тадбирлар ижросини мониторинг қилиб боради, натижаларини таҳлил қилади, ижросини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ҳамда ҳисоботлар тайёрлайди.

11. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини конференция, давра суҳбати, илмий-амалий семинар, учрашувлар ташкил этиш каби профилактик чора-тадбирлар асосида амалга оширади.

12. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ўз хизмат фаолияти йўналишлари бўйича ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришни ташкил этади. Улар ушбу фаолиятни олиб боришда ташкил этилаётган тадбирларга бошқа соҳавий хизматларни жалб этиши мумкин.

13. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар муайян шахсда (таълим олувчи ёки ходим) ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёки муайян ҳуқуқбузарликнинг содир этилишига, шунингдек, бир гуруҳ шахсларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланишига ёхуд алоҳида турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, уларни бартараф этиш юзасидан вазирликлар, кўмиталар, корхона, муассаса ва ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритиб боради ва муҳокамасида иштирок этади.

14. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тасдиқланган дастур, режа ва жадваллар асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа орган ва муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ўзаро келишув асосида амалга оширилади.

15. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси бўйича вазирлик тизимидаги ташкилот ва муассасалар томонидан амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар вазирликнинг Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармасига тақдим этиб борилади.

16. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси – вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолиятидир.

17. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга ошириш учун қуйидагилар асос бўлади:

айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши.

18. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини мавсумий ёки таълим соҳасида ҳуқуқбузарлик кўпайиб кетган ҳолларда режадан ташқари республика, вилоят ёки туман (шаҳар) миқёсида ёҳуд алоҳида кичик ҳудудлар ва объектларда амалга оширади.

19. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар томонидан “Ўқувчи” ва “Давомат” рейдлари ва бошқа махсус профилактик тадбирлар амалга оширилиши мумкин.

20. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар томонидан айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган янги махсус профилактик ва тезкор-профилактик тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилиши мумкин.

21. Махсус профилактик ҳамда тезкор-профилактик тадбирлар вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарларининг буйруғи асосида ташкил этилади.

22. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар махсус тадбирларни ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиши ва амалга ошириши мумкин.

23. Республика миқёсида ўтказиладиган махсус профилактик тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг халқ таълими вазирининг алоҳида буйруғи ва кўрсатмалари билан амалга оширилади.

24. Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ҳамда “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

25. Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси – вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолиятидир.

26. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, хуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек, содир этилган хуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг хуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у хуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

27. Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар томонидан профилактика суҳбати, расмий огоҳлантириш, хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш, профилактик ҳисобга олиш, мажбурий даволанишга юбориш, маъмурий назорат ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа профилактик чора-тадбирлар орқали амалга оширилади.

28. Профилактика суҳбати шахсни жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этишга ишонтиришдан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ижтимоий ва хуқуқий оқибатларини ҳамда хуқуқбузарлик содир этганлик учун қонунда белгиланган жавобгарликни тушунтиришдан иборат бўлади.

Профилактика суҳбати шахсни профилактик ҳисобга қўйишда ҳам ўтказилади.

29. Профилактика суҳбати вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг раҳбари томонидан ўтказилади.

Мазкур Йўриқномага 1-иловадаги шаклга мувофиқ профилактика суҳбатини қайд этиш журнали юритилади.

Профилактика суҳбати вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар жойлашган ерда, шунингдек, шахснинг яшаш, ўқиш, иш жойида ёхуд бевосита ғайриижтимоий хулқ-атвор ёки хуқуқбузарлик аниқланган жойда ўтказилади.

Профилактика суҳбатини амалга оширган ходим шахсга келгусида жамиятда қабул қилинган хулқ-атвор нормалари ва қоидаларига риоя этмаслик ҳолатларини давом эттирмаслик, акс ҳолда қонунда белгиланган маъмурий жавобгарлик келиб чиқиши мумкинлигини тушунтиради.

Профилактика суҳбати давомида шахснинг ўзига хос хусусиятлари, унинг турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароитлари, шунингдек, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ёки содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланади.

30. Илгари ўтказилган профилактика суҳбати ижобий натижа бермаган ва шахс ғайриижтимоий хулқ-атворни ёки ҳуқуқбузарлик содир этишга мойилликни давом эттирган ҳолларда, унга нисбатан расмий огоҳлантириш қўлланилади.

31. Расмий огоҳлантириш халқ таълими муассасаларида таълим олувчилар ва уларнинг ота-оналари ёки ота-оналарнинг ўрнини босувчи шахслар ҳамда ходимларга нисбатан унинг ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида ёзма равишда тушунтиришдан, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсни ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантиришдан иборат бўлади.

32. Расмий огоҳлантириш вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари томонидан чиқарилади ҳамда расмий огоҳлантирилган шахсга имзо қўйдириб эълон қилинади, у имзо қўйишдан бош тортган тақдирда эса, расмий огоҳлантиришга бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар раҳбарлари расмий огоҳлантириш чиқарилганлиги тўғрисида у қайси шахсга эълон қилинган бўлса, ўша шахснинг иш (ўқиш) жойидаги иш берувчига (маъмуриятга) ёки яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ғайриижтимоий хулқ-атворнинг ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ҳолатларини, шунингдек, уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни кўрсатган ҳолда хабардор қилишга ҳақли.

33. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси расмий огоҳлантириш чиқариш орқали амалга оширилади.

Вазирлик тизимида расмий огоҳлантиришни чиқариш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар рўйхати халқ таълими вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

Мазкур Йўриқномага 2-иловадаги шаклга мувофиқ расмий огоҳлантирилган шахслар тўғрисида маълумотлар юқори турувчи халқ таълими тизимидаги ташкилот ва муассасалар орқали вазирликка ҳар ойда маълумот тақдим қилинади.

34. Ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар-

га нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассаса раҳбарлари томонидан қўлланилади.

35. Профилактик ҳисобга олиш ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

36. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси – вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятidir.

37. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси умумий ва яқка тартибда амалга оширилади.

38. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги виктимологик профилактикаси давлат ва жамиятга ўзининг кўп содир этилаётган ёки ижтимоий ва моддий зарари билан хавф туғдираётган ҳуқуқбузарликлар хусусиятидан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот ёки бошқа турдаги профилактик чора-тадбирлар ўтказган ҳолда таълим олувчилар ва ходимларни огоҳликка, ҳушёрликка ва хавфсизлик қоидаларига риоя этишга чорлаш мақсадида амалга оширилади.

39. Ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги виктимологик профилактикаси маълум бир ҳуқуқбузарликлар бўйича муайян шахснинг жабрланиш эҳтимоли юқорилигини аниқлаш асосида уни мавжуд хавфдан огоҳ қилиш, ҳушёрликка қақриш ва хавфсизлик чораларини кўришга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш мақсадида амалга оширилади.

40. Вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг қуйидаги виктимологик профилактика чора-тадбирлари амалга оширилади:

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда профилактика тадбирларини ўтказиш;

халқ таълими муассасаларида таълим олувчилар ва халқ таълими тизимида фаолият юритувчи ходимлар ўртасидаги низоларни ҳал этиш усулларини ўргатиш;

ҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларни аниқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни кўриш;

ҳуқуқбузарликдан жабрланувчининг жисмоний ва психологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган махсус комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, уни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ўзини ўзи мудофаа қилиш усуллари ва воситалари тўғрисида хабардор қилиш;

ғайриижтимоий хулқ-атвор нисбатан тез-тез кузатиладиган ёки ҳуқуқбузарликлар тез-тез содир бўлиб турадиган жойларни (ҳудудларни) мунтазам равишда назорат қилиш;

ҳужум қилинган тақдирда зарурий муҳофаа ва охириги зарурат ҳақидаги маълумотларни кенг тарқатиш йўли билан халқ таълими муассасаларида таълим олувчилар ва халқ таълими тизимида фаолият юритувчи ҳодимларга ҳуқуқий тарбия ва таълим бериш;

ғайриижтимоий хулқ-атвор, тайёрланаётган, содир этилаётган ёки содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот олиш мақсадида вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасалар ҳузурида ишонч телефонларини ташкил этиш;

профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 июндаги 175-сон қарорига мувофиқ “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” жамоат кенгаши аъзолари билан самарали ҳамкорликни ташкил этиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

41. Ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасини вазирлик, унинг тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи мансабдор шахслари томонидан амалга оширилади.

4-боб. Якуний қоидалар

42. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

43. Ушбу Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан келишилган.

Ички ишлар вазири

А.Азизов

*Хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага 1-ИЛОВА*

(Профилактика суҳбатини қайд этиш журналининг олд томони)

(Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ташкилот
ёки муассаса номи)

**ПРОФИЛАКТИКА СУҲБАТИНИ ҚАЙД ЭТИШ
ЖУРНАЛИ**

20__ йилда “__” _____ да бошланди

20__ йилда “__” _____ да тамомланди

(Профилактика суҳбатини қайд этиш журналининг ички қисми чап
томони)

Т/р	Профилактика суҳбати ўтказилган сана ва жойи	Профилактика суҳбати ўтказилган шахснинг Ф.И.О.	Профилактик суҳбат ўтказиш сабаби ва мақсади	Профилактика суҳбатини ўтказган масъул ходимнинг лавозими, Ф.И.О.
1.				
2.				

(Профилактика суҳбатини қайд этиш журналининг ички қисми ўнг
томони)

Профилактика суҳбати ўтказилган шахснинг ўзига хос хусусиятлари, турмуш тарзи ва ижтимоий-маиший яшаш шароити	Ғайриижтимоий ҳулқ-атвор ва содир этилган ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароити	Профилактика суҳбати ўтказилган шахснинг иш, ўқиш ёки яшаш жойига хабар қилинганлиги ҳақида белги

*Хуқуқбузарликлар
профилактикасини амалга
ошириш тартиби тўғрисидаги
йўриқномага 2-ИЛОВА*

**_____ -сонли умумий ўрта таълим мактаби директори
томонидан 20_____ йилнинг бир оyi давомида расмий
огоҳлантирилган шахслар тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

T/p	Расмий огоҳлантирилган шахснинг Ф.И.О.	Расмий огоҳлантирилган шахснинг лавозими	Расмий огоҳлантириш сабаби	Расмий огоҳлантирилган сана ва жойи
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
ВАЗИРИНИНГ**

2017 йил 10 март

78-сонли

Б У Й Р У Қ И**УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БОСҚИЧЛИ ВА ЯКУНИЙ НАЗОРАТ
ИМТИХОНЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисидаги 203-сонли қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасалари, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари, имконияти чекланган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли ва якуний назорат имтихонларини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Умумий ўрта таълим муассасалари, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари, имконияти чекланган болалар учун давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида (кейинги ўринларда умумтаълим муассасалари деб юритилади) ўқув машғулотлари 2017 йил 25 майда тугалланиши белгилаб қўйилсин.

2. Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг билими, кўникма ва малакаларини синовдан ўтказиш учун 4,8-синфлар учун оғзаки, ёзма имтихон ёки тест синовлари шаклида босқичли назорат, 9-синфлар учун эса давлат аттестацияси шаклида якуний назорат имтихонлари ташкил этилсин.

3. Умумтаълим муассасалари 9-синф ўқувчиларининг якуний назорат имтихонлари 2017 йил 26 майдан 16 июнгача амалга оширилсин, зарурат бўлганда имтихонларни яқшанба куни ҳам ўтказиш назарда тутилсин (“Жисмоний тарбия” фани бундан мустасно).

4. Белгилаб қўйилсинки, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг 5,8-синфларида ихтисослаштирилган ўқув фанидан қўшимча имтиҳон топшириш учун имтиҳонлар муддати 3 кунга узайтирилиши мумкин.

5. Умумтаълим муассасалари 9-синф ўқувчиларининг якуний назорат имтиҳонлари халқ таълими вазирининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим олувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида низомга (рўйхат рақами 1778, 2008 йил 20 март) мувофиқ амалга оширилсин.

6. Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага, босқичли ва якуний назорат имтиҳонлари ўтказиладиган фанларнинг рўйхати ва имтиҳон ўтказиш шакллари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Умумтаълим муассасаларининг 9-синф ўқувчилари учун “Жисмоний тарбия” фанидан якуний назорат имтиҳонлари 2017 йил 2-8 май кунлари малакали тиббиёт ходимларининг назорати остида ўтказилсин (Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб, мактаб интернатлар ҳамда сколиоз билан касалланган болалар учун санаторий туридаги мактаб-интернатлар бундан мустасно).

8. Ихтисослаштирилган давлат умумтаълим муассасалари, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабларининг бирорта ихтисослик фани чуқурлаштириб ўтиладиган бўлса, ушбу фандан муассаса педагогик кенгашининг қарори асосида қўшимча имтиҳон киритилишига рухсат берилсин.

9. Кўзи ожиз, заиф кўрувчи ва таяниб-ҳаракатланиш аппаратида нуқсонли бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда босқичли назорат ҳамда якуний назорат имтиҳонлари умумтаълим мактабларига қўйилган талаблар асосида ўтказилсин (жисмоний тарбия фани бундан мустасно).

10. Кар, заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг битирувчи 9-синфларида якуний назорат имтиҳонлари “Она тили ва адабиёт” фанидан баён ва “Математика” фанидан ёзма назорат иши шаклда амалга оширилсин.

11. Ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларда фақат “Меҳнат таълими” фани бўйича якуний назорат имтиҳонлари ўтказилсин ҳамда имтиҳонларни ўтказиш муддати мактабнинг педагогик кенгаши томонидан белгилансин.

12. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев), Таълим муассасаларида ўқув тарбия

жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (М.Ваҳобов) назорати остида Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиқларига:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг 2008 йил 4 мартдаги 56-сонли буйруғи билан тасдиқланган Умумий ўрта таълим олувчиларнинг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги низомнинг (рўйхат рақами 1778, 2008 йил 20 март) мазмун-моҳиятини умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик, ўқувчилар ҳамда ота-оналар жамоалари ўртасида атрофлича ўрганишни ташкил этиш;

босқичли ва якуний назорат имтиҳонларининг ўз муддатларида ўтказилишини назоратга олиш;

босқичли ва якуний назорат имтиҳонларининг натижалари, уларни ўтказиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, 2017 йилнинг 3 июлига қадар Республика таълим маркази (И.Зокиров)га тақдим этиш вазифалари топширилсин.

13. Республика таълим маркази (И. Зокиров)га:

таълим ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган умумтаълим муассасалари учун якуний назорат имтиҳонлари ўтказиладиган фанлар бўйича, шунингдек, кўзи ожиз, заиф кўрувчи, кар, заиф эшитувчи ҳамда ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернатларнинг битирувчи синф ўқувчилари учун якуний назорат имтиҳон материалларини тайёрлаш;

Таълим-тарбия жараёнига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А. Хундибаев), “ZiyoNET” ресурс марказининг вазирликдаги бўлими (У.Тайлақов) билан ҳамкорликда якуний ва босқичли назорат имтиҳон материалларини вазирликнинг расмий веб-сайти (uzedu.uz) ва ZiyoNET.uz ахборот таълим порталига 2017 йил 24 мартга қадар жойлаштириш;

ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаблар ва мактаб– интернатлар битирувчи синфлари ўқувчилари учун “Меҳнат таълими” фанидан якуний назорат имтиҳонини ўтказиш учун тегишли тавсия ва мезонлар ишлаб чиқиш;

умумтаълим муассасаларида 2016–2017 ўқув йилини якунлаш, битирув синфларида якуний давлат аттестацияси натижалари умумлаштирилган таҳлилий маълумотни 2017 йил 1 августгача вазирликнинг Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (М.Юлдашев)га тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

14. “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Раҳимов) га 2017 йилнинг 31 мартга қадар мазкур буйруқни чоп этиш вазифаси топширилсин.

15. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан халқ таълими вазирининг 2016 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларнинг босқичли ва якуний назорат имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги 50-сонли буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б. Данияров зиммасига юклатилсин.

Вазир

У. Иноятов

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 10 мартдаги 78-сонли буйруғига
1-илова*

**Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли
назорат имтиҳонларини ўтказиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларининг босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сон “Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари доирасида ишлаб чиқилган ўқув режа бўйича муайян босқич учун белгиланган фанларни ўзлаштириб, босқичли назорат имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчилар кейинги (юқори) синфга ўтказилади.

2. Ўқувчиларнинг барча фанлардан йиллик баҳолари уларнинг чораклик баҳолари асосида ўқув машғулотлари тугашидан камида уч кун олдин чиқарилади.

3. Босқичли назорат имтиҳонлари умумий ўрта таълим муассасаларининг 4-8-синфларида ёзма ёки оғзаки имтиҳон ёхуд тест синовлари шаклида муайян фанларнинг амалдаги ўқув дастури асосида ўтказилади.

4. Умумтаълим дастурларини давлат таълим стандартлари доирасида ўзлаштирган ва барча ўқув фанларидан йил якуни бўйича ижобий баҳоланган ўқувчилар босқичли назорат имтиҳонига қўйилади.

Ўқув йили давомида ўқув машғулоти олиб борилган фанларнинг биттасидан “қониқарсиз” баҳоланган ўқувчилар мазкур фандан

қўшимча топшириқларни бажариш шарти билан истисно тариқасида босқичли назорат имтиҳонига қўйилади.

5. Мазкур Низом талаблари халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасаларида шартнома асосида таҳсил олаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

2-боб. Босқичли назорат имтиҳонини ўтказиш тартиби

6. Умумий ўрта таълим муассасаларида босқичли назорат имтиҳонлари 26 майдан 1 июнгача бўлган муддат оралиғида ўтказилади. “Жисмоний тарбия” фанидан босқичли назорат имтиҳонини 28-30 апрель кунлари оралиғида ўтказишга рухсат берилади.

7. Босқичли назорат имтиҳонлари ўтказиладиган фанларнинг рўйхати ва имтиҳон ўтказиш шакллари Халқ таълими вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

8. Умумий ўрта таълим муассасаси директори томонидан босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш жадвали тасдиқланиб, имтиҳонлар бошланишидан камида ўн кун олдин умумий ўрта таълим муассасасининг барча учун кўринадиган жойига осиб қўйилади.

Босқичли назорат имтиҳонларини ўтказиш жадвалида имтиҳон ўтказиладиган фанлар, имтиҳонларнинг вақти ва жойи, имтиҳонни ўтказувчи босқичли назорат комиссияси аъзолари тўғрисидаги маълумотлар қайд этилади.

Ўқув фанлари бўйича ўтказиладиган ҳар бир босқичли назорат имтиҳонининг оралиқ муддати икки кундан кам бўлмаслиги лозим.

9. Босқичли назорат имтиҳони ўтказиладиган ҳар бир фан бўйича умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғи билан уч кишидан иборат босқичли назорат комиссияси (бундан буён матнда комиссия деб юритилади) қуйидаги таркибда тасдиқланади: комиссия раиси – умумий ўрта таълим муассасаси директори ёки унинг ўринбосари ёхуд ўқитувчиси;

имтиҳон олувчи – синфда мазкур фандан дарс берган ўқитувчи; ассистент – тегишли фан ёки турдош фан ўқитувчиси.

10. Босқичли назорат имтиҳонини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича жавобгарлик мазкур фан бўйича тузилган комиссия раиси зиммасига юклатилади.

Босқичли назорат имтиҳони ўтказиладиган синфда дарс машғулотларини олиб борувчи ўқитувчи айнан шу фан бўйича комиссия раиси бўлиши тақиқланади.

Босқичли назорат имтихонларида умумий ўрта таълим муассасаси васийлик кенгаши аъзолари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юри-тилади) кузатувчи сифатида қатнашишлари мумкин.

11. Умумий ўрта таълим муассасаси бўйича босқичли назорат имтихонларини ташкил этиш ва ўтказиш учун умумий ўрта таълим муассасаси директори масъул ҳисобланади.

12. Барча умумий ўрта таълим муассасаларида босқичли назорат имтихонлари эрталаб соат 8.00 да бошланади.

Босқичли назорат имтихони оғзаки шаклда ўтказилганда, битта синфдаги ўқувчилар сони 20 нафардан ортиқ бўлса, ўқувчилар икки гуруҳга тақсимланиши мумкин.

13. Ёзма ва оғзаки шаклдаги босқичли назорат имтихони жараёнида ўқувчиларга фойдаланиш учун умумий ўрта таълим муассасаси штампи қўйилган дафтар ёки варақлар берилади.

14. Босқичли назорат имтихони жараёнида ўқувчилар томонидан имтихонни муваффақиятли топширишга ёрдамчи воситалардан (харита, глобус, жадваллар, чизмалар, муляж, гербарий, препаратлар, лаборатория асбоб-ускуналари ва ҳоказо) фойдаланишга рухсат этилади.

15. Ёзма шаклдаги босқичли назорат имтихони жараёнида имтихон учун ажратилган вақт тамом бўлганидан сўнг, ўқувчиларнинг барча ёзма ишлари улар топшириқларни бажара олган ёки бажара олмаганликларидан қатъий назар йиғиб олинади.

16. Босқичли назорат имтихони тугаганидан сўнг ёзма ишлар комиссия раиси томонидан рақамланади. Ёзма ишлар комиссия аъзолари томонидан умумий ўрта таълим муассасасидан чиқмаган ҳолда текширилади ва баҳоланади. Иш куни тугагунга қадар баҳоланмаган ёзма ишлар кейинги иш кунигача сақлаш учун умумий ўрта таълим муассасаси директорига ёки унинг ўринбосарларидан бирига топширилади.

17. “Она тили ва адабиёт” фанидан ёзилган баён учун ўқувчига куйидаги мезонлар бўйича иккита баҳо қўйилади:

она тилидан – саводхонлиги учун;

адабиётдан – мавзунинг мазмуни учун.

Ушбу баҳолар босқичли назорат имтихони баҳоси сифатида қўйилади ҳамда ушбу фанлардан якуний баҳо чиқаришда асос бўлади.

18. Ёзма ишларнинг баҳолари навбатдаги босқичли назорат имтиҳонига қадар, оғзаки шаклдаги имтиҳонларнинг баҳолари шу куннинг ўзида дарҳол эълон қилинади.

19. Ўқувчиларга “Она тили ва адабиёт” фанидан баён ёзиш ва математикадан ёзма иш учун 2 астрономик соат, тест синовлари топшириқлари берилиши назарда тутилган бўлса, уларни бажаришга ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича ҳар бир тест саволи учун 2 дақиқа, аниқ фанлар бўйича ҳар бир тест саволи учун 3 дақиқа вақт ажратилади.

Ўқувчиларга оғзаки шаклдаги босқичли назорат имтиҳонидан олган топшириқлари бўйича тайёрланиш учун 15-20 дақиқа вақт берилади.

20. Комиссия аъзолари ўқувчининг жавобларини диққат билан бўлмасдан тинглайдилар. Ўқувчига билетда қўйилган топшириқлар доирасида қўшимча саволлар бўлиши мумкин.

Билет саволига жавоб бера олмаган ўқувчига босқичли назорат комиссияси томонидан иккинчи маротаба билет олишга рухсат берилади. Ўқувчи олган иккинчи билетга ҳам жавоб бера олмаса, унга босқичли назоратнинг баҳоси сифатида “қониқарсиз” баҳо қўйилади, учинчи маротаба билет олишга рухсат берилмайди.

21. Ўқувчи босқичли назорат имтиҳонини топшириш жараёнида белгиланган тартибни бузган тақдирда, у босқичли назорат имтиҳонини давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Ўқувчи босқичли назорат имтиҳонини давом эттириш ҳуқуқидан маҳрум қилинганда комиссия томонидан далолатнома тузилади ва бу ҳақида босқичли назорат баённомасига ёзиб қўйилади.

Умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори асосида унга босқичли назорат имтиҳони тугаган кундан кейин икки ҳафта ўтгач, мазкур фандан босқичли назорат имтиҳонини қайта топширишга рухсат берилиши мумкин.

22. Ҳар бир фан бўйича оғзаки ёки ёзма шаклдаги босқичли назорат имтиҳонлари ўтказилгач, комиссия аъзолари томонидан барча ўқувчиларга якуний баҳолар қўйилади. Бунда ўқувчининг йиллик ва босқичли назорат имтиҳони баҳосининг ўртачаси олиниб яхлитланади. Босқичли назорат имтиҳонидан “қониқарсиз” баҳо олган ўқувчига “қониқарли” йиллик якуний баҳо қўйилмайди.

Ўқувчиларга қўйилган баҳолар комиссиянинг баённомасига киритилади ва баённома комиссия аъзолари томонидан имзоланади. Комиссиянинг баённомаси ассистент томонидан юритилади.

23. Ўқувчиларга ёзма ёки оғзаки шаклдаги босқичли назорат имтиҳони бўйича баҳо қўйиш масаласидаги баҳсли ҳолатлар комиссия аъзолари ўртасида овозга қўйиш асосида ҳал этилади.

Овозлар сони тенг бўлган ҳолларда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Комиссия аъзоларининг алоҳида фикрлари комиссия баённомасига киритилади.

24. Тиббий муассасаларда даволанган ўқувчиларга йиллик якуний баҳо қўйиш ўқувчи даволанган даволаш-профилактика муассасаси раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган синф журналидан кўчирилган баҳолаш қайдномаси асосида амалга оширилади.

25. Босқичли назорат имтиҳонида олган баҳосига эътироз билдирган ўқувчиларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш учун халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларида апелляция комиссиялари тузилади.

Комиссия томонидан текширилган ёзма иш билан танишиш муддати ва тартиби апелляция комиссиясининг иш муддати ва тартиби, унинг таркиби ҳамда ваколатлари халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими томонидан буйруқ билан расмийлаштирилади ва ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар ва умумий ўрта таълим муассасалари директорлари эътиборига босқичли назорат имтиҳонлари бошланишидан камида икки ҳафта олдин етказилади.

26. Босқичли назорат имтиҳонида олган баҳосидан эътирози бўлган ўқувчилар босқичли назорат имтиҳони баҳолари эълон қилинган кундан эътиборан уч кун муддатда апелляция комиссиясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

27. Чет элда таълим олган ўқувчиларни босқичли назорат имтиҳонига қўйиш масаласи халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан кўриб чиқилади.

28. Ўтказилган босқичли назорат имтиҳонларида бир ёки иккита фандан “қониқарсиз” баҳо олган ўқувчиларга охириги босқичли назорат имтиҳонидан кейин бир ҳафта ўтгач, “қониқарсиз” баҳо олган фанидан босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш ҳуқуқи берилади.

29. Йиллик баҳо ва босқичли назорат имтиҳони натижаларига кўра, уч ва ундан ортиқ фанлардан ҳамда босқичли назорат имтиҳонларини қайта топшириш даврида камида битта фандан

“қониқарсиз” баҳо олган ўқувчилар шу синфда қайта ўқишга қолдирилади.

3-боб. Ўқувчиларни босқичли назорат имтиҳонидан озод этиш

30. Фанларни ижобий ўзлаштираётган 4-8-синф ўқувчилари умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғи билан босқичли назорат имтиҳонидан қуйидаги ҳолатларда озод этилади:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 26 январдаги 3-мх ва 22-сон қарори (рўйхат рақами 2656, 2015 йил 17 февраль) билан тасдиқланган Ўқувчиларга синфдан синфга кўчириш имтиҳонлари ва якуний давлат аттестациясидан озод бўлиш ҳуқуқини берувчи касалликлар рўйхатига асосан;

халқаро ва республика олимпиадалари, танловлари, мусобақалари ҳамда бошқа кўрик-танловлардаги иштироки босқичли назорат имтиҳонлари муддатларига тўғри келиб қолган тақдирда, шу кунлардаги босқичли назорат имтиҳонидан;

ўқув йили давомида фақат “аъло” баҳоларга ўқиган ва намунали хулқга эга бўлган ўқувчилар.

Босқичли назорат имтиҳонидан озод этилган ўқувчиларнинг якуний баҳоси чораклик баҳоларининг ўртачаси асосида чиқарилади.

31. Йиллик ижобий баҳоларга эга бўлган ўқувчиларни соғлиги туфайли босқичли назорат имтиҳонидан озод этиш умумий ўрта таълим муассасаси жойлашган ҳудуддаги ёки яшаш жойидаги тиббиёт муассасаси тиббий-назорат комиссиясининг тиббий хулосаси асосида қабул қилинган умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

32. Ота-онасининг ўқиш, ишлаш, узоқ муддатли даволаниш ёки бошқа мақсадларда вақтинча яшаш учун хорижий давлатга кетаётганлиги сабабли ўқувчиларнинг яшаш жойи ўзгариши муносабати билан ушбу ҳолатни тасдиқловчи ҳужжатлар асосида умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғи билан бундай ўқувчиларга босқичли назорат имтиҳонини муддатидан олдин топширишга рухсат берилади.

Босқичли назорат имтиҳонларини 1 апрель санасидан олдин топширишга рухсат берилмайди.

Муддатидан олдин босқичли назорат имтиҳони умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғи билан тасдиқланган

босқичли назорат комиссияси ва босқичли назорат имтиҳонларини муддатидан олдин топшириш жадвали асосида ўтказилади.

33. Босқичли назорат имтиҳонлари даврида касал бўлган ва босқичли назорат имтиҳонлари жараёни тугашигача тузалиб келган ўқувчилар қолдирилган фанлардан имтиҳонларни умумий ўрта таълим муассасаси директорининг буйруғига кўра босқичли назорат имтиҳонлари тугаганидан сўнг икки ҳафта ўтгач ёки босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш даврида (август ойида) топширишлари мумкин.

4-боб. Босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш ва кейинги синфга ўтказиш

34. Ўқувчи ўзлаштира олмаган фан бўйича унга ёзги ўқув топшириқлари берилади.

Ёзги ўқув топшириқлари барча синфларда фанлар бўйича амалдаги ўқув дастури асосида ушбу фан ўқитувчиси томонидан тузилади ҳамда умумий ўрта таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланади.

35. Ёзги ўқув топшириқларини олган ўқувчиларга амалий ёрдам бериш мақсадида яқка тарзда ёки гуруҳ машғулоти ташкил этилади. Бундай машғулоти жадвали умумий ўрта таълим муассасаси директори томонидан тасдиқланади. Бунда фан ўқитувчиларининг меҳнат таътилида бўлмаган вақтлари инобатга олинади ва ўқувчилар бу машғулоти бепул жалб этилади.

36. Ёзги ўқув топшириқлари ҳамда босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш жадвали ўқувчилар ёзги таътилга чиқишларидан камида уч кун олдин синф раҳбари томонидан ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига ёзма равишда маълум қилинади.

37. Ёзги ўқув топшириқларини олган ўқувчиларга август ойида ўқув йили бошлангунга қадар босқичли назорат имтиҳони қайтадан ўтказилади. Босқичли назорат имтиҳонини қайтадан ўтказишда имтиҳон олиндиған фан ва имтиҳон топшириш шакли ўзгаришсиз қолдирилади.

Ўқувчи қайта топширган фандан ижобий баҳоланганда умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгаши қарори билан кейинги синфга ўтказилади.

38. Ўқувчи босқичли назорат имтиҳонини қайта топшириш жараёнида ҳам “қониқарсиз” баҳо олган тақдирда, умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори билан синфда қайта ўқиш учун қолдирилади.

39. 1-синф ўқувчилари фақат психологик-педагогик комиссиянинг хулосаси асосида умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори билан синфда қолдирилиши мумкин, бошқа ҳолларда 1-синф ўқувчиларини синфда қолдиришга йўл қўйилмайди.

40. Ўқувчининг қайтадан ўқиш учун синфда қолдирилганлиги ҳақидаги умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарори уч кун муддатда ўқувчига ва унинг ота-онасига ёзма равишда маълум қилинади.

5-боб. Яқуний қоидалар

41. Ўқувчиларнинг баҳолар табели синф раҳбари томонидан тўлдирилиб, у ва умумий ўрта таълим муассасаси директори томонидан имзоланади ҳамда умумий ўрта таълим муассасасининг муҳри босилади.

42. Ўқув дастуридаги барча фанлардан “аъло” баҳоларга ўқиган ва намунали хулққа эга бўлган ўқувчилар “Мақтов ёрлиғи” билан тақдирланади.

43. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

*Халқ таълими вазирининг
2017 йил 10 мартдаги 78-сонли буйруғига
2-илова*

**Босқичли ва якуний назорат имтиҳонлари ўтказиладиган
фанларнинг рўйхати ва имтиҳон ўтказиш шакллари**

Босқичли назорат	
Фаннинг номи	Имтиҳон ўтказиш шакли
4-синф учун	
Математика*	ёзма
Она тили	ёзма (диктант)
Жисмоний тарбия	назарий ва амалий
5-синф	
Математика*	ёзма
Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки
Адабиёт	оғзаки
6-синф	
Чет тили*	оғзаки
Тарих	оғзаки
Ботаника	оғзаки
7-синф	
Она тили ва адабиёт*	ёзма (диктант)
Ўзбек тили (рус тили)	оғзаки
Физика	оғзаки
Информатика	ёзма
8-синф	
Чет тили*	оғзаки
География	оғзаки (харита билан ишлаш орқали)
Давлат ва ҳуқуқ асослари	оғзаки
Биология	оғзаки

Якуний назорат	
9-синф учун	
Она тили ва адабиёт**	ёзма (баён)
Математика**	ёзма
Физика*	оғзаки (лаборатория ишлари билан)
Тарих*	оғзаки (харита билан ишлаш орқали)
Кимё*	ёзма
Ўзбек тили* (таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган умумий ўрта таълим муассасаларида)	оғзаки
Чет тили*	оғзаки
Жисмоний тарбия**	назарий ва амалий

Изоҳ: босқичли назорат иккита ўқув фанидан ўтказилади.

“*” мазкур фандан имтиҳон мажбурийдир, иккинчи фан эса ўқувчиларнинг кўпчиликлари овози билан босқичли назорат ўтказилишидан бир ой олдин танланади. Бу ҳақда ҳар бир синф учун танланган ўқув фанидан босқичли назоратни ўтказиш ҳақида умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгаши қарор қабул қилади.

“**” мазкур фанлардан якуний назорат имтиҳонлари қуйидаги муддатларда ўтказилади: жисмоний тарбия – 2-8 май; она тили ва адабиёт – 26 май; математика – 30 май.

Bosh muharrir:

Mahmudov Sarvar Yuldashevich

Bosh muharrir o'rinbosari v.v.b:

Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

Mas'ul kotib:

Tashxanov Nurbek Aybekovich

Badiiy muharrir:

Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

Tahrir hay'ati:

Ulug'bek INOYATOV, Dilshod KENJAYEV, Risboy JO'RAYEV,
Hikmatilla RASHIDOV, G'ayrat SHOUMAROV, Sharifjon
ERGASHEV,
Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV, Maqsudjon YULDASHEV,
Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV, Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.

E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel. (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

"MAKTUB PRINT" mas'uliyati cheklangan jamiyatida chop etildi.

Toshkent shahri, Shayhontoxur tumani, Navoiy ko'chasi, 30-uy
Bosishga ruxsat etildi: 06.04.2017-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32.

Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 28 530 nusxa.

-buyurtma.

Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas'ul – Sattarova Hulkara Ravshanovna